

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ**

**5111100 – муסיқа таълими таълим йўналиши**

**4-курс талабаси Атоева Нозима Ҳакимовнанинг**

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: “Қўшиқнинг даромад қисми устида ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари”**



**Илмий раҳбар:**

**доц. Б.Х.Мадримов**

**БУХОРО - 2019**

## МУНДАРИЖА

### РЕЖА:

КИРИШ.....	3-5
I-БОБ. ҚЎШИҚ ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИ.....	6-24
§1.1. Қўшиқ ўргатиш жараёнида мусиқа ўқитувчисининг роли.....	6-15
§1.2. Ашуланинг бадий ижроси устида ишлаш.....	15-24
II-БОБ ШАШМАҚОМ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА.....	25-58
§2.1. Шашмақом (Олти мақом) бебаҳо мусиқий меросимиз.....	25-46
§2.2. Хоразм мақомлари. Фарғона-тошкент мақом йўллари ҳамда ўзбек халқининг дostonчилик санъати.....	46-58
ХУЛОСА.....	59-61
АДАБИЁТЛАР.....	62-63
ИЛОВАЛАР.....	64-66

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва меросга эга. Унинг мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, истиқлол ва мустақиллик учун кураши тасвирланади. Бу буюк маънавиятимизни, ёш авлодларга етказишда, миллий тафаккурни шакллантиришда беназир воситадир. “Ўзбек мусикаси” кенг мазмунли, серкўлам тушунча бўлиб, у ўз ичига мусиқий мероснинг икки қатламини: халқ мусикаси ва касбий мусиқа ҳамда замонавий ижодиёт (бастакорлик) соҳаларини қамраб олади. Ўзбек мусикасининг мақсади, ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган маданиятли инсон даражасига етказишдан иборат. Маълумки, мусиқа санъати эстетик идрокнинг битмас туганмас манбаидир, инсон қалби ва юрагини забт этувчи мафтункор дунёдир. Инсон доимо гўзалликка интилиши ва кундалик ҳаётда шу гўзаллик қоидаларига амал қилиши керак. Умумтаълим мактабларида мусиқа таълими жуда зарур. Бу ёш авлодни ўзбек халқининг мусиқа анъаналари билан таништириб, унинг нафосатли ҳис-туйғуларини ривожлантиришимиз, мусиқа таълимимизни савиясини оширади. Ўқувчилар, куй-қўшиқлар орқали миллий мусиқа санъатини ўрганадилар. Ўзбек халқи кўп асрлик тараққиёт тарихига бўлган анъаналар сохибидир. Ўзбек мусиқа санъатини илдизлари қадим замонларга бориб тақалади.

Қадим маданиятнинг кўпдан-кўп обидалари буюк ўзбек мутафаккирлари, ёзувчилари, шоирлари Ал Фаробий, Абдурахмон Жомий, Низомийлар лирикасида кейинчалик маърифатпарварлар Муқимий, Фурқат, Ҳамза асарларида мусиқа тарбияси ва таълим бериш соҳасида талайгина қизиқарли фикрлар билдирилган. Мусиқа таълимининг катта эътибор берган Ўрта Осиёлик машҳур мусиқачилар орасидаги олим Фаробий ёш авлодни тарбиялаш ўқитиш масалаларига кўплаб илмий ва амалий ғоялар билдиради. У шунингдек, мусиқа назариясининг асосчисидир. Таниқли олим, файласуф, мусиқашунос Жомийнинг

“Рисолаи дар илми мусиқа” номли китобида композиция, лад, ритм нисбатлари ҳақида ёзилган. Ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам мусиқа санъати соҳасида нихоятда катта билимга эга бўлган эди. Унинг мусиқавий эстетик қарашлари “Саббаи-Сайёр”, “Маҳбуб-ул қулуб”, “Хамса” каби асарларида акс этган.

Ўзбек халқининг профессионал мусиқа маданияти халқ ва ижод маҳсули бўлган мусиқа асарлари, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган анъаналар замирида ривожланган. У бизгача ҳофизлар, мусиқачилар, бахшилар орқали етиб келган. Унга халқ ижодининг энг яхши наъмуналари, ҳамда профессионал ижрочилар томонидан чалинган мусиқа асарлари кирган. Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари XVIII асрда ўзига хос нота ёзуви бўлганидан далолат беради. 1920-йилда профессионал мусиқа оғиздан-оғизга ўтиб тарқалган.

Ўзбек халқ мусиқасининг кўшиқ ва куйлари бадиий мазмуни ва ҳаётий ўрнига кўра:

1. Мавсум-марасим куй кўшиқларига
2. Меҳнат кўшиқларига
3. Кунда ижро этиладиган куй-кўшиқларга бўлинади.

Халқ оммавий кўшиқларининг деярли барча жанрлари халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган бармоқ вазнидаги шеърлар билан куйланади. Аллалонинг боласига бўлган меҳр-муҳаббатини, орзу-истакларини ифодаладиган кўшиқ лирик оҳангга эга.

Мусиқий санъат ҳамиша халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, унда кечаётган воқеалик-ҳодисаларига ва ижтимоий ўзгаришларга ҳозир-жавоб бўлган. Халқ мусиқаси ёрқинлиги, образлиги, миллий руҳни кучли тарзда ифодаланиши, эстетик жиҳатдан такомиллашгани, мазмун ва шаклнинг бирлиги билан ўзига хос хусусиятларга эга.

**Тадқиқот мақсади:** Кўшиқнинг даромад қисми устида ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва самардорлигини ошириш.

**Тадқиқот объекти:** умумтаълим мактаби “Муסיқа маданияти” дарслари.

**Тадқиқот предмети:** Қўшиқнинг даромад қисми устида ишланишнинг ўзига хос хусусиятлари самардорлигини ошириш жараёни.

**Тадқиқот вазифалари:**

- 1) тадқиқотга оид илмий, илмий ва бадиий манбалар билан танишиш.
- 2) муסיқа маданияти дарси орқали ўқувчи ёшларда қўшиқнинг даромад қисми устида ишлаш, миллий тафаккурни ўстиришни ривожлантириш учун самарали усулларни яратиш.
- 3) мақсадга мувофиқ уни ҳаётга татбиқ этиш.
- 4) синов- тажриба ишларини олиб бориш.

**Тадқиқот методлари:**

- а) муסיқага оид илмий, педагогик, адабиётларни таҳлил қилиш.
- б) илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.
- в) тажриба-синов ишларини олиб бориш.
- г) ишимизга оид педагогик қузатишларни олиб бориш.

**Тадқиқотнинг янгилиги:** Муסיқа маданияти дарси орқали Қўшиқнинг даромад қисми устида ишланишнинг ўзига хос аҳамияти исботланган ва ўқувчиларнинг муסיқий маданиятини шакллантиришга оид педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Қўшиқнинг даромад қисми устида ишланишнинг ўзига хос хусусиятларининг самардорлигини ошириш йўллари асосланган. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим мактабларининг муסיқа ўқитувчилари ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

**Битирув малакавий иш** кириш, 2 та боб, 4 та параграф, хулоса ва фойдаланилаган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## I-БОБ. ҚЎШИҚ ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИ

### §1.1. Қўшиқ ўргатиш жараёнида мусиқа ўқитувчисининг роли

Вокал-хор ишлари юзасидан уларнинг ҳар бири маълум малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўқитувчи синф имкониятиарини ҳисобга олган ҳолда йил давомида ўргатиш услум 10-12 та қўшиқ танлайди ва уларнинг вокалнинг ижрочилик даражаси ва бадиий мазмуни мактаб ҳаётига мослигини инобатга олиб, уларни маълум тартибга солади.

Ўқувчиларга мусиқий тарбия беришнинг негизи хорда ашула айтишдир, чунки мусиқага бўлган қобилиятни ўстириш, мусиқа санъатига бўлган меҳр ва қизиқишни ошира бориш вазифаси ўқувчиларнинг ўз фаолияти жараёнида мувафақиятли бажарилади. Ўқувчиларнинг қуйи синфларда олган вокал-хор малакалари такомиллашади, бу малакалар ашуланинг тўғри ва таъсирли айтилишини таъминлайди, болалар овозининг яхшиланишига ва парвариш қилинишига ёрдам беради. Дикциянинг аниқ ва равшанлиги ашуланинг тушунарли бўлишига ёрдам бериб, унинг бадиий образ билан аниқ ва мазмунли ижро этилишига кумақлашади.

Болаларнинг овоз аппаратлари, мусиқа ўқуви ёшга қараб ўсади. Шунинг учун ашула айтиш малакалари, овознинг асосий элементлари: нафасни режага солиш, товуш ҳосии қилиш, дикция, сўз ансамбль дастурда ҳар қайси ўқув йили учун алоҳида-алоҳида берилади. Таълим жараёнида бу элементларнинг ҳаммаси бир-бирига узвий боғланиб боради. Юқорида кўрсатилган элементларнинг ҳар бири ҳамма синфлардаги ашула айтиш ишининг мазмунига киради ва аста-секин мустаҳкамлашиб, сифати ўзгариб, мураккаб ашула репертуарида ривожланади.

VII-синф ўқувчиларига алоҳида эътибор берилиши керак, чунки бу ёшда кўпчилик ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам мутация даври авж олади (овози ўзгаради). Бу вақтда 13-14 ёшдаги ўғил болаларнинг овози кескин ўзгаради. Айниқса, ўғил болалар овозлари пасая бориб, овоз диапозони тушиб қолади. Ҳатто овоз ўзгаргандан кейин, яъни мутациядан

сўнги дастлабки даврда ҳам (эркакча овоз деб 2-шартли айтиладиган) овоз диапазони кўпинча чекланган бўлади, бу овознинг тембр хусусиятлари ноаниқ бўлади. Булар репертуарни тегишли суъратда чеклаш ва пухта танлаш заруратини келтириб чиқаради. Бу вақтда кўпроқ икки овозли репертуар тавсия қилинади. Ўғил болалар сопрано ёки альт овози билан айтиладиган ашулани бир октава паст оҳангда такрорлаши мумкин. Бу ёшдаги баъзи ўғил болалар ҳали болалар овози билан, яъни сопрано ва альт овозларига мос келадиган овоз билан ашула айтадилар. Бироқ болалар овози билан ашула айтувчиларнинг диапазони ҳам, эркакча овоз билан ашула айтувчиларнинг диапазони ҳам чекланган (баъзи квинта-секста даражасида, До1-ля бемол 1, - ля1 оралиғида) бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўғил болалар ўз диапазон доирасига кирмайдиган ашула қисмларини айтмасликлари керак. Ашула айтиш мураккаб психофизиологик жараён дир. Ашула айтганда бола организмнинг деярли ҳамма аъзолари, айниқса, товуш ҳосил қилувчи артикуляция, нафас органлари ва нерв тўқималари (нерв системаси) фаол иштирок этади. Агар мазкур органларнинг бири ашула айтиш жараёнида нотўғри ишласа, овоз аппаратига ва овоз ҳосил бўлишига зиён етиши мумкин.

Шунинг учун вокал малакаларини ҳосил этишда бу органларнинг бир вақтда ўзаро алоқада ва нормал ишлашга эришиши зарур. Бу тадбирлар нафаснинг текис, осойишта, тўлқинли чиқишига ва нутқ талаффузининг яхши ривожланишига катта ёрдам беради. Мусиқа ўқувни ўстириш, овозни парвариш қилиш ва вокал хор малакалари ҳосил этишда махсус вокал машқлари, яъни уч товушли, паст босқич ёки юқори босқичдаги товушлар орасида ва унинг квинта ёки октава миқёсидаги қисмларида ашула айтиб, бир овозда асосан, яллалар ёки қўшиқлардан парчалар айтиб, “овозни маромга солиш” катта аҳамиятга эга дир.

Нотага қараб ашула айтиш малакаси ҳам шу хилда машқ қилиш йўли билан ҳосил этилади. Бу хилдаги машқлар учун ҳар дарсда 3-6 минут вақт

ажратилади. Дастурда чолғу асбоби билан жўр бўлиб ва жўрсиз ашула айтилиши назарда тутилган.

Жўрсиз ашула айтиш (акапелла) мусиқа ўқувининг ўсишига кўп овозли ашулаларнинг ҳамжихатлик билан айтилишига, оҳангдошликка, диққатни кучайтиришга ёрдам беради. Мусиқа асбоби жўрсиз хор билан ашула айтганда ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ашуладаги барча нотўғриликларни яхши сезадилар. Жўрсиз ашула айтишни ўрганишнинг аҳамияти ҳам ана шундадир.

Дастурда кўрсатилган кўшиқлардан ташқари, ўқитувчи матбуот, радио ёки телевидение орқали эълон қилинган янги кўшиқлардан ҳам танлаб олиш мумкин. Шунингдек, айрим кўшиқларни чоракдан чоракка ёки синфдан синфга кўчириш ҳуқуқи ҳам берилади. Шунга интилиш керакки, болалар синфда ўрганиб олган кўшиқларини ҳар ёклама англаб, таъсирли қилиб ижро эта оладиган бўлсин. Бу эса кўшиқнинг қандай ўрганилганлигига, ўқитувчининг кўшиқдаги бадиий образни нечоғли ишонарли қилиб очиб бера олганлигига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг дарсга яхши тайёрланиши кўшиқни муваффақиятли ўргатишнинг муҳим шартидир. У болалар билан биринчи марта ўрганиладиган ашулани жуда яхши билиши, тўғри ва таъсирли куйлаб бериши керак. Ўқитувчи кўшиқни чуқур ўрганиб чиққанидан кейингина уни болаларга ўргатиш мумкин. Ҳар бир кўшиқни, хатто энг оддийсини ҳам, жуда синчиклаб таҳлил этиш, унинг ғоявий мазмунини билиб олиш ва мусиқада шу мазмуннинг қандай ифода воситалари билан акс эттирилишини аниқлаб олиш зарур. Бутун кўшиқни ижро этиш режаси олдиндан белгилаб олинади ва ўқитувчининг дарсда ўтказадиган суҳбатларининг мазмуни, яъни кўшиқнинг асосий суръати ва ундан четланишлар, ранг-барангликлар, товуш хусусиятлари уйлаб чиқилади. Агар огизни юмган холда куйлаш, хор ва яккахон - пешхонларнинг алмашиб туриши каби ижро усуллари билан кўшиқ жарангдорлигига хилма-хиллик киритиш мумкин бўлса, ўқитувчи бу усулларни қаерларда қўлланиш ва



болалардан қайси бири яккахон бўлиши кераклигини белгилаб қўяди. У текстнинг таъсирини кучайтириш учун қўшиқнинг қайси сўзларини ажратиб кўрсатиш ва уқтириб ўтиш зарурлигини мулжаллаб қўяди. Шунингдек, қўшиқни ижро этиш техникасини ҳам пухта билиб олиб, қандай жойларда нафас олиш қўллай билишини, қўшиқни қайси томонлари мураккаблигини, нима учун болаларнинг ўзлаштиришлари қийинлиги ва қайси томонларини ўзлаштиришлар осон бўлишини аниқлаш керак. Ўқитувчи қўшиқнинг мураккаб уринларини аниқлагач, уларни ўрганишни осонлаштирадиган воситаларни топа олади. Масалан, бу уринлар интонация қийинчиликларидан иборат бўлса, ёрдамчи машқлар тузилади.

### **Ўқитувчининг қўшиқ ўргатиш жараёни:**

- 1.Ўқитувчининг қўшиқни ижро этиши;
- 2.Сухбат ўтказиш;
- 3.Қўшиқ текстини ўргатиш;
- 4.Қўшиқ қўйини ўргатиш;
- 5.Ўрганилган қўшиқни мустақкамлаш;
- 6.Қўшиқнинг бадиий ижроси устида ишлаш

Ҳар қандай қўшиқни ўргатишда ана шундай пайтларга риоя қилиши шарт. Буларни бажариш изчиллиги эса ўрганилаётган қўшиқнинг хусусиятига боғлиқдир.

Ўқитувчининг қўшиқни ижро этиши уни ўргатиш жараёнидаги муҳим бир пайт ҳисобланади. Ўқитувчининг қўшиқни нечоғли аниқ чизик равшан, таъсирли ижро этса, бу қўшиқ ўқувчиларга шунчалик тушунарли бўлиб қолади, қўшиқни ўрганиш уларга осон бўлиб кўринади. Болалар қўшиқни кучли таасурот билан тинглашар экан, уларнинг шу қўшиқни тезроқ ўрганиб олгилари келади. Шундай қилиб, болаларни жим ўтириб зўр диққат билан

қўшиқ тинглашга одатлантира бориш керак. Ўқитувчи қўшиқни бошидан охиригача ҳам, қисман ҳам ижро этиши мумкин. Агар қўшиқ табиат манзараларини акс эттирса, йил фасллари ифодаласа, унда қандайдир умумий мазмун ва кайфият баён қилинадиган бўлса, қўшиқнинг бир бандини ижро этишнинг ўзи кифоя қилади, бошқа бандларини эса қўйилмасдан ўқиб берилади холос. Аммо айрим қаҳрамонларга, тарихий воқеаларга оид қўшиқ ва ашулаларда бўлганидек, қўшиқ ривожининг умумий йўли яққол маълум бўлса, болаларда яхлит бадиий образ таасуротини ҳосил қилиш учун қўшиқни тўлиқ ижро этиш афзалроқ бўлади.

Қўшиқ ўргатиш олдидан, одатда, қўшиқнинг мазмуни ва мусиқавий таъсирчанлиги, унинг мусиқасини ёзган композитор ва шеърини ёзган шоир ҳақида суҳбат ўтказилади. Бу суҳбат ўқувчининг қўшиқни ижро этишдан олдинги кириш сўзи ва ундан кейинги хотима - хулоса сўзи тариқасида ўтказилиши мумкин. Кириш сўзи ниҳоятда қисқа ва хилма хил мазмунда бўлиши керак. Чунончи, ўқитувчи фақат қўшиқнинг номини, унинг композитори ва шоирининг номини айтади ёки шу асарни яратган композиторнинг ҳаёти ва ижодий йўлидан 1-2 та ёрқин воқеани гапириб беради. Тарихий воқеаларга, қаҳрамонларга бағишланган қўшиқ ва ашулаларни ижро этишдан олдин суҳбат ўтказилади. Бундан кўзланадиган мақсад болаларнинг шу қўшиқ тўғрисидаги таасуротини кучайтиришдан иборат. Бундай суҳбатда болаларнинг ўзлари ҳам актив иштирок этишлари мумкин. Улар айрим воқеалар ва қаҳрамонлар тўғрисида эшитиб ёки ўқиб билганларини гапириб беришади. Агар қўшиқда нотаниш сўзлар учрайдиган бўлса, болаларнинг идрок жараёнини қийинлаштириб қўймаслик ва диққатини чалғитмаслик учун уни тинглашдан олдин, нотаниш сўзларга изоҳ берилади. Қўшиқни жжро этиб кўрсатгандан кейин анча батафсил суҳбат қилинади, аммо бу суҳбат жуда чўзилиб кетмаслиги шарт. Болалар ўқитувчи ижро этаётган қўшиқни тинглашар экан, таъсирланиб, руҳланиб кетишади. Шу қўшиқ тўғрисида уларда фикр олишув истаги туғилади. Бу истақ

дарсинг жуда муҳим пайтидир. Лекин ушбу масалада, ўзи бўларчиликка ва бош-бошдоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўқитувчи суҳбатни йўлга солиб, бошқариб туриши керак. Бунда у болаларга бир қанча саволлар беради: Қўшиқда нима ҳақида сўз боради; унинг мусиқаси қандай хусусиятга эга; у оғир - вазмин айтиладими ёки тез айтиладими; у марш қўшиғига ўхшайдими ёки ракс қўшиғига; болалар жўрнавозликдан қандай завқ олишди ва ҳ.к. Бундан ташқари, ўқитувчи шу суҳбатда болаларга янги билим ва тушунчаларни бериб, қўшиқдаги бадиий образни - кучайтиришга ёрдам қилувчи мусиқали ифода воситаларини уларга тушунарли шаклда очиб бериши керак. Айрим ҳолларда қўшиқнинг куйни болаларнинг эсига солиш учун суҳбатдан сўнг уни иккинчи марта ижро этиш маъқул. Қўшиқ ижро этилиб, унинг ҳақида суҳбат ўтказилгандан кейин, ўқитувчи қўшиқни бевосита ўргатишга киришади.

Қўшиқда киши онгига кучли таъсир кўрсатувчи восита бўлган мусиқа билан сўз чамбарчас боғланади. Қўшиқни ўргатиш жараёнида ана шу икки компонентнинг муҳим ўрнини эгаллаши алоҳида аҳамиятга эга. Болаларни қўшиқнинг текстини тез ва осонгина эсда қолдиришга ўргатиш лозим. Қуйи синфларда қўшиқ тексти бевосита дарсда ўргатилади. Бунинг сабаби шуки, болалар ҳали тез ва беҳато ёза олмайдилар, шеърни ёзиб олиш эса жуда кўп вақтни олади. Дарсда ўқитувчи одатда адабий асарнинг мураккаб турига қараб тўртликни (бир банд шеърни) ёки унинг қисмини тўрт марта ўқиб эшиттиради; сўнгра ўқиб эшиттирилган текстни ўзи билан биргалашиб такрорлашни болаларга таклиф қилади. Ўқитувчи текстдаги сўлзарни тўғри, таъсирли, аниқ, талаффуз этиши керак. Ўқувчиларнинг ҳам худди шундай талаффуз этишларини талаб қилиш зарур. Улар текстни шивирлаб, аммо оҳангдор қилиб ўқиб беришлари фойдали бўлади; бундай ўқиш артикуляция аппаратини активлаштиради.

Қўшиқнинг текстини бутун синф 2-3 марта такрорлагандан кейин айрим ўқувчилардан уни дикломация қилиб бериш суралади. Айни маҳалда

бошқа ўқувчилар ўртоқларининг хатоларини тузатишлари учун шеърни диққат билан тинглаб, уни дилда такрорлашлари керак. Текстни “занжирбанд” қайтариш маъкул: бир бола биринчи сатрни, бошқа бола иккинчисини, учинчи бола учинчи сатрни ўқийди ва ҳ.к. Бундай ўқиш болаларнинг диққатини активлаштиради. 2-синфдан бошлаб ўқувчилар алоҳида дафтар тутиб, ўрганилаётган кўшиқларнинг текстини ёзиб боришлари керак. 3-7 синфларда ўқитувчи кўшиқнинг текстини айтиб ёздирди. Қуйи синфларда кўшиқ текстини махсус жадвал - плакатларга қараб ёки доскадаги ёзувларга қараб ўрганиш лозим. Юқори синфларда ўқитувчи синфга янги текстнинг 2-3 нусхасини олиб келиб, болалардан уни кучириб кўпайтиришни илтимос қилади. Бундан ташқари, юқори синфларда кўшиқ текстини бевосита дарсда ўрганиб, ёдлаб олиш усули куйланилмоқда. Қисқа ва оддий текстларни бир дарснинг ўзидаёқ батамом ўрганиб олиш мумкин. Лекин шундай шеърлар ҳам борки, уларда бир банднинг ўзи икки-уч қисмидан иборат бўлади. Бундай шеърлар бир неча дарс давомида ўзлаштирилади. Бордию бу ишни бир йўла бажаришга уриниб бевосита ашула учун ажратилган вақт фақат шеърни ўрганишга сарфланадиган бўлса, метод жиҳатдан нотўғри иш қилинган бўлади. Биринчи банд сўзларини синчиклаб ўрганиб олиш шарт эмас, чунки куйни ўргатишда бу сўзлар кўп марта такрорланиб, ёдда қоладиган бўлади. Аммо кейинги бандларни бу хилда ўргатиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки болалар энди куйни анча яхши билишади ва уларни куйни кўп марта такрорлаш пайтида текстни қайта-қайта пухталайверишларига зарурат колмайди. Шу сабабли янги бандларини текстини анча синчиклаб ўрганиш керак.

### **Кўшиқ охангини ўрганиш методикаси**

Биринчи банднинг тексти ўзлаштирилгандан кейин, кўшиқнинг куйини ўргатишга киришиш мумкин. Бу иш болаларнинг ҳам ўқитувчининг ҳам диққат-эътиборини талаб этади. Куйни ўргатиш олдида уни бирон мусиқа асбобида чалиб ёки кўшиқнинг биринчи бандини айтиб болаларга

яхши эслатиб ўтиш керак. Натижада улар ўрганилаётган кўшиқ тўғрисида анча тўла таасурот олишади. Болалар ўзларига нотаниш янги куй билан танишаётганларида унинг айрим қисмларини ўргатишни бошлаш мумкин; кейинчалик болаларда ўша қисмлардан мукамал мусиқавий образ таркиб топади. Кўшиқнинг куйни ўрганиб олишда муайян изчиллик мавжуддир. Одатда куй мусиқа таркиблари бўйича ўрганиб борилади. Дастлаб биринчи таркиб, сўнгра иккинчи, учинчи ва ҳ. к. Таркиблар таҳлил қилинади ва ўргатилади. Ўқитувчи уларнинг ҳар бирини оҳанги билан айтади ва 2-3 марта чалиб беради, ундан кейин ўзи билан биргаликда маълум таркибни оҳанги билан айтишни болалардан талаб қилади. Одатда, болалар дастлаб кўшиқни дадил айтиша олмайди, аммо бир неча бор такрорлаш туфайли тобора дадил айтадиган бўлишади. Бордию ўрганилаётган таркиб болаларга етарли даражада тушунарли бўлмаса, уни яна бир марта чалиб ва айтиб беради. Бу уринда меъёрни билиш ва ҳатто маълум бир таркиб етарли ўзлаштирилмаган такдирда ҳам, уни ўрганиш устида узоқ тўхталиб қолмаслик лозим. Шунини унутмаслик керакки, бундай ҳолда болаларнинг диққати заифлашади, шу сабабдан улар чарчаб, пассивлашиб қолишади, бу эса таълим натижасига салбий таъсир қилади. Шунинг учун кўшиқнинг қийин жойига кейинроқ яна қайтиш маъқул.

Кўшиқнинг мураккаб жойларини айниқса синчиклаб ўрганиш керак. Бу пайтдаги қийинчиликлар одатланилмаган интонация (давралар) билан, кўшиқ қуйидаги сакрашлар билан, алтерация кабиларнинг ноқулайлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай қийинчиликларни кунт ва ғайрат билан бартараф қилиш зарур, чунки агар куй тамомила тўғри ўрганиб олинмаса, хатоларни тузатиш ниҳоятда қийин бўлади, баъзан эса уларни тузатиш мумкин бўлмайди. Бу ҳолда ўқитувчи хатоларга йўл қўймаслиги учун шу кўшиқни уйда такрорламасликни болаларга уқтириб қўяди. Шунингдек, куйни ритмик томондан мураккаблиги туфайли уни ўрганиш қийинчиликлари юз бериши мумкин. Куйнинг болалар идроки учун мураккаб

бўлган ритмик шаклини ўзлаштиришни чапак чалиб кўрсатиш йўли билан осонлаштириш мумкин. Қўшиқнинг маълум бир буғини бир неча нота куйланаётган жойлари болаларни дам-бадам қийнаб туради. Бундай жойларни шеър билан куйламай, балки “ля” сингари нейтрал буғинлар билан куйлаш фойдали бўлади; бундай куйлаш идрок этишни осонлаштиради ва тезлаштиради. Тез темпда (суръатда) ёзилган қўшиқларни фақат секин темпда ўрганиш лозим, акс ҳолда интонация ва ритм аниқ ўзлаштирилмай қолади, демак, қўшиқ пала-партиш ижро этиладиган бўлади. Шу сабабли куйни яхши ўзлаштиргандан кейингина темпни композитор томонидан кўрсатилган даражага аста-секин яқинлаштириш мумкин. Бундан ташқари, тез темпли қўшиқларни ўргатишда уларнинг сўзларини аниқ талаффуз этилишига эришиш, қўшиқ тамомила ўрганиб бўлгунга қадар ана шунга ҳаракат қилиш зарур. Шахдам қўшиқлар ўрганилганда шошилиш ва ҳовликиш ярамайди. Секин айтиладиган қўшиқ устида чаққонлик билан ишлаш зарур, акс ҳолда болалар сустлашиб кетишади.

Қўшиқ ўргатиш жараёнида ҳар хил усулдан фойдаланиш зарур. Ҳар бир синфда хушовоз, баъзан, эса мусиқага жуда қобилятли болалар бўлиши табиийдир. Улар қўшиқ оҳангини ўрганишда ўқитувчининг ёрдамчилари бўладилар. Синфдаги парта қаторлари ўртасида мусобақа уюштиргандек бўлиб, болаларнинг қўшиқ оҳангини қанчалик билишларини текшириб кўриш фойдали бўладу шунинг бундай методи болаларни активлаштиришга ёрдам қилади ва ижодий руҳлантиради. 3-синфдан бошлаб энг оддий қўшиқларни нотага қараб ўрганиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи олдиндан катта плакатда ёки дарс бошланишига қадар синф доскасида ашула ёзувини тайёрлаб қўяди. Солфеджио қила бошлаш олдида болаларнинг ҳаммаси айна бир вақтда ноталарни 2-3 марта ўқиб чиқади, Шундан кейин улар куйни бир неча марта солфеджио қилишга сўнгра уни сўзлари билан айтишга уриниб кўришлари лозим. Ўрта мактабнинг 3-синфидан бошлаб дарсда бир овозлик қўшиқлардан ташқари икки овозли қўшиқлар қийинрок уч овозлик қўшиқлар

ўрганилади. Бундай қўшиқларни ўрганишда ҳар бир партия бир овозлик қўшиқ ўрганилганидек, синчиклаб ва худди ўша метод билан ўрганиб чиқилмоғи керак. Бу ерда ўқитувчи ўзини ҳамisha назорат қилиб бориши ва қандайдир бир хор партиясининг ишига ортик даражада берилиб келмаслиги лозим. Акс ҳолда синфда тартибсизлик ва шовқин пайдо бўлади. Ваҳоланки, бунга ҳеч қандай шароитда асло йўл қўйиб бўлмайди. Гоҳ бир партия билан, гоҳ бошқа партия билан навбатма-навбат ишлаш керак. Ўқитувчи биринчи овоздаги ўқувчиларга бошланғич таркибни ўргатиб бўлгач, шу таркибни ўзини иккинчи овоздаги ўқувчиларга ўргатади. Шундан кейин иккала партияни албатта бирлаштириб, асосий диққатни иккинчи овозларга қаратиш зарур.

Кейинги таркибларнинг ҳаммаси худди шу тарзда ўрганилади. Сўнгра улар, бир овозлик қўшиқни ўрганилгандаги каби бирлаштирилади. Болаларнинг қўшиқ куйи ва текстини яхши эслаб қолишлари учун битта дарс етарли эмас. Шу сабабдан қўшиқ муайян вақт давомида кўп такрорланади ва аста-секин ўрганиб олинади.

## **§1.2. Ашуланинг бадиий ижроси устида ишлаш**

Қўшиқ устида ишлашда унга бадиий сайқал беришга анчагина ўрин ажратилади. Ишнинг ана шу томони қўшиқ устида олиб бориладиган бутун иш жараёни билан биргаликда содир бўлади, фақат энг дастлабки босқичдагина болаларнинг бутун диққатини шу даврда энг зарур бўлган вазифага: қўшиқнинг интонациясини ўзлаштиришга тўплаш керак. Тегишли таркиб равон янграй бошлагач, диққатни бошқа деталларга: товушнинг характери, фразировка, туслар, дикция ва кабиларга қаратиш имконияти пайдо бўлади. Қўшиқ ўзлаштирилгандан кейин, автор ғоясини очиб бериш устида жиддий иш даври бошланади. Аммо ишнинг шу томонига берилиб кетиб, қўшиқ айтиш вақтида дам-бадам тўхталиш билан болаларни зериктириб юбормаслик керак. Болалар қўшиқни дадил айтишар экан,

шубхасиз уларда ашулани тўлик ижро этиш истаги туғилади; агар кўшиқ ҳадеб бўлиनावерадиган бўлса, бу ҳол ишга бўлган қизиқиш-ҳаваснинг пасайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи бу ишда меъёрни билиши ва ҳар сафар маълум таркибни, интонацияни, сўзни такрорлаш сабабини тушунтириб бориши муҳимдир. Масалан, болалар оҳангни тўғри куйлашадию, сўзларни ноаниқ айтишади. Ўқитувчи кўшиқни сўзларини англаб бўлмаяпти, деб болаларни огоҳлантиради. Бордию, болалар ноаниқ дикция билан айтаверишадиган бўлса, кўшиқни бўлиб, танбех бериш керак. Кейин диққатни бошқа деталларга, яъни товушга, туслар ва шу сингариларга жалб этилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, болалар олдига бирданга бир қанча вазифаларни қўйиш амалда улардан биронтасини ҳам бажара олмаслик демакдир.

Ижро этиш деталлари устида ишлашдан сўнг кўшиқни ўрганишга ўз вақтида ўта билиш лозим, йўқса ашула ҳеч қачон яхши ва қатъий овоз билан янграмайди. Ўқитувчи бадиий образ устида ишлар экан, турли ижрочилик усулларининг зарурлигини болаларга яққол кўрсатиб бериши ва уларнинг ана шу усулларини беихтиёр эмас, балки онгли равишда бажаришларига интилиши керак. Кўшиқ болаларни зериктира бошласа, унинг устида олиб борилаётган ишни вақтинча тўхтатиш ва репертуарда янги кўшқлар пайдо бўлганидан кейин, яна шу кўшиққа қайтиш маъқул. Ўқув йилининг чораги ёки ярим йили охирида бир дарсни илгари утилган барча кўшиқ ва ашулаларни такрорлашга бағишлаш мумкин, бунинг учун синфнинг кичик бир концерти уюштирилади, бунда болаларнинг ҳаммаси айна бир вақтда ҳам ижрочилар, ҳам эшитувчилар ҳисобланади.

### **Муסיқий ритмик ҳаракатлар бажариш учун методик тавсиялар**

Ўқувчиларнинг ақлий, нафосат ва жисмоний ривожиди рақс, муסיқали ўйинлар ва муסיқага мос ҳаракатлар бажариш муҳим аҳамият касб этади.



Бунда музика маданияти дарсларида, музикага мос ҳаракатлар бажариш қуйидаги вазифалардан иборат:

-ўқувчиларнинг музикаий ўқуви, айниқса, хотираси, ритм туйғуси музикага мос ҳаракатлар ёрдамида яхши ривожланади. Ҳар қандай ҳаракат тури музикаий асарнинг суръати ва ритми остида бажарилади, ҳаракат билан боғлиқ бўлган музикаий оҳанглар бола хотирасида турғун сақланади;

-рақс ва музикаий ҳаракатлар болада ҳаракатчанлик, чакқонликни ривожлантириб, қоматининг тўғри ўсишига ва баданини чиниқтиришга катта ёрдам беради;

-музикаий асарлар ўқувчиларда турлича эмоционал хислар уйғотиб, турлича кайфиятлар ҳосил этиб, уларнинг онгида ўзига хос образлар яратадики, болалар асар мазмунини турли ҳаракатлар ва ишоралар билан ифодалашга ҳаракат қиладилар.

Демак, музикага мос ҳаракатлар ўқувчиларнинг ақлий ва нафосат қобилиятини ривожлантириш билан бирга иродасини ҳам ривожлантиради. масалан, **марш**;

-ўқувчида ғайрат ва тетикликни, ажойиб ички ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ҳосил этиб, рақсга тушишга ундайди ва завқлантиради. Музикаий асарлардан марш, рақс ва ўйинлар ўқувчиларга тез таъсир этади, шунинг учун ҳам қувноқ рақс, қизиқарли музикали ўйинлар ҳар бир боланинг эътиборини ўзига тортади. Музика маданияти дарсларида бажариладиган ўйинлар асосан икки турга бўлинади:

1. Қўшиқнинг мазмунига мос музикали ритмик ўйинлар.

2. Рақслар.

1) Қўшиқ мазмунига мос музикаий-ритмик ҳаракатлар қўшиқнинг бадиий мазмуни, характери ва ифода воситаларига мос тушиши шарт. Қўшиқ

мазмуни эса, уларнинг ҳаётий тажрибаларида, табиат ва ҳайвонот олами билан муносабатларида, халқ болалар ўйинларида ўз аксини топади;

2) Рақслар воситасида ўқувчилар миллий ва қардош халқлар рақс ҳаракатлари ва мусиқаси билан яқиндан танишадилар. Рақс мусиқасига мос миллий ҳаракатларни бажарадилар. Бунда ўқувчиларнинг дунёқараши, ақлий ва нафосат тарбияси, мусиқий хотираси, ритм туйғуси ва диққат-эътибори ривожланади. Шундай қилиб, мусиқий ўйинлар ўз мақсад ва вазифаларига кўра, дидактик ўйинларга мансуб бўлиб, асосан ритмик ҳаракат воситасида ижро этилиши билан ифодаланади. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлишга доир методик тавсиялар мусиқа маданияти дарсларида бу фаолият тури энг қизиқарли машғулотдир. Болалар чолғу асбоблари жонли товушли ўйинчоқлар сифатида ҳар бир ўқувчини қизиқтиради. Чапак ва болалар чолғу асбобларида ритмик жўр бўлиш, мусиқанинг характери ва образларни чуқурроқ ҳис этишда, уларга хос эмоционал туйғулар ҳосил этиш, айниқса, болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа маданияти дарсларида болалар чолғу асбобларидан фойдаланиш ижобий натижалар бериш билан бирга ўқувчиларнинг дарсга интилувчанлигини, қизиқиши ва мусиқий ўқувини (хотираси, ритмни ҳис этиш туйғусини, нутқини) ўстиради. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлишда, аввал, ўқувчилар чапак чалиб, ритмик жўр бўладилар, ўқитувчи ўқувчилар куй-ритмини тўғри ҳис этиб ижро этишлари учун, болаларга стол устига териб қўйилган чолғу асбобларида чалиб, мусиқага жўр бўлишларини айтиб қўйиши лозим. Сўнг бирор чолғуда куйни ўзи ижро этиб, чапак билан жўр бўлишни кўрсатади. Кейин барчани куйга чапак чалиб, жўр бўлишни таклиф этади ва ижро жараёнини диққат билан кузатиб, болалар чолғу асбобларини тарқатиш учун илғор ўқувчиларни танлайди. Биринчи ижродаги ютуқ ва камчиликларни бартараф қилиб, яна бир такрорлаб, чиройли, тўғри ижро этилади. сўнгра мусиқий ўқуви бўш бўлган ўқувчиларга болалар чолғу асбобларида жўр бўлишни таклиф этади. шу тарзда синфдаги ўқувчиларни

галма-гал болалар чолғу асбобида жўр бўлишга ундаб, уларнинг қизиқишини оширади. Чолғуларда чалишга ҳамма интилади, албатта. Шунинг учун берилган асарни болалар хато қилмай мусиқани тўғри ҳис этишга ва хотирада сақлашга ҳаракат қиладилар. Кейинчалик ижрочилик турлари мураккаблаштирилади. Айни ҳолда синфни икки гуруҳга бўлиб, I-гуруҳ чапак чалиб, II-гуруҳ овозда усул бериш билан ҳам жўр бўлиши мумкин. Яна бир тури - ўқитувчи доирада усулни аниқ ва текис чалиб туради, “бум”га I-гуруҳ болалари “бак”га II-гуруҳ болалари жўр бўлишади. Буни иложи бўлса магнитофон тасмасига ёзиб олиб бажарса ҳам бўлади. шунингдек, куйни доскага кўрсатилган график суръати ва унинг ритмига тузилмасини тенг чорак ва нимчорак ноталар билан ифодалаш мумкин, бироқ карточкалардан фойдаланилса ҳам бўлади. Бундай машғулотларда дарс мазмуни қизиқарли ўтади, ўқувчилар билими мустаҳкамланади, уларда ижодкорлик, ижрочилик малакалари ва мусиқий ўқув қобилиятларининг ҳар томонлама ривожлантиришни таъмин этади.

Мусиқа дарсларида болалар чолғу асбобларини қўллаш ўқитувчидан катта масъулият, ижодкорлик ва топқирликни талаб этади. Мусиқа дарсида қўлланадиган болалар чолғу асбоблари икки турга бўлинади. Куйчан ва куйчан бўлмаган чолғу асбоблар. Куйчан чолғу асбобларга: металлофон ва ксилофон; куйчан бўлмаган (шовқинли) чолғу асбобларга: доирачалар, румбалар, мара касалар, учбурчаклар, кўнғирокчалар, шақилдоқлар, барабанчалар, ёғоч қошиқлар киради. Мусиқа дарсларида болалар чолғу асбобларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг тембр ўқуви, ритм туйғуси, диққати ва хотирасини ривожлантиради.

### ***Кўшиқ ўргатишни амалга ошириш назарияси ва мусиқа санъатининг ривожланиш тарихи***

Республикамизда умуминсоний кадриятлар ва миллий маданиятимизни асосларини эътиборга олиб таълим-тарбия мазмунини ва миллий мафқурани шакллантириб бориш имкониятлари яратилмоқда.

Бунга халқ оғзаки ижоди, педогогикаси, мутафаккир, маърифатпарвар педагог ва олимларнинг тарбияга ахлоқ-одобга доир ғояларини ўргатиб комил инсонни ишлари амалга ошмоқда. ”Келажак бугундан бошланади” дейди доно халқимиз. Ёш авлодни келгуси ҳаёти уни инсон қилиб кўрсатувчи руҳий ва маънавий жараённинг мезонини белгилайди. Бу борада таълим-тарбия самарадорлигини ошириш ва дунё талаблари даражасига олиб чиқиш таълимни илғор тажрибалар асосида бойитиб бориш, янги педагогик тажрибалар асосида олиб бориш айниқса муҳимдир. Халқ мусиқаси оғзаки ижодиёти, анъаналари, урф-одатлари асосида баркамол авлодни вояга етказиш уларни кўпроқ ўз миллатини севишга ғурурланишга шорқано ғоя ва таълимотларни ўрганиб уларни келажакка тадбиқ этишга замин яратилади.

Мустақил Республикамизда миллий маданиятимизни ўзига хослигини тиклаш, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни бадий, ахлоқий тарбиялаш ва камол топтириш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан биридир. Маънавий етук миллат кадриятларини тўғри баҳолашга ва уни янада ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Демак, жамият маънавиятининг ўсиши кадриятлардан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиш, кадриятларни янада ривожлантиришга замин ҳозирлайди. Кадриятлар таърифидан келиб чиқиб, умуминсоний кадриятларни қуйидагича таърифлаш мумкин. Умуминсоний кадриятлар-миллат учун муҳим ахамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ ҳолдаги кадрият шаклидир. Умуминсоний кадриятлар миллатнинг тарихини яшаш тарзи, маънавияти, маданияти орқали намоён бўлади. Таълим жараёнида умуминсоний кадриятлар ижтимоий-тарихий ходисани ифодалайди.

Маънавий кадриятлар бу фалсафий ва ижтимоий тушунчалар бўлиб, инсонни ўраб олган атроф-муҳитни амалий жиҳатдан ўзлаштириш натижасида вужудга келади. Таълим тарбия жараёнида маънавий

кадриятлар ижтимоий тарихий ҳодисани ифодалайди. Умуман хулоса қилиб айтганда бугунги ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашдан мақсад, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан бирга жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий салоҳиятини кўтаришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбияни миллий шакллантиришга ва ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.

Миллий тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, адабиёт, этика, эстетика, педагогика, психология каби фанлардан фойдаланади. Миллий тарбия ҳаётнинг моҳияти ички алоқа ва муносабатларини акс эттиради. Бугунги кунда шунчаки билим эгаси бўлган ёшлар эмас, ижодкор, истеъдоди билан ажралиб турувчи ўқувчиларни тарбиялаш замон талабидир. Мактабда таълим олиш даврида миллий тарбия ўқувчиларни турли қобилиятларини ривожлантиради. Табиатга, жамиятга қараш тизими таркиб топади, жисмоний куч қувватлари янада мустаҳкамланади. Ўрта Осиёлик машҳур мусиқачилар орасидаги олим боланинг ёши улғайган сари бу фаолият тобора кўпроқ мустақил хусусиятга эга бўлиб бораверади. Табиат ва жамият турмушда учрайдиган ҳодиса ва шароитларни тушунишга ҳам идрок этиб ўз атрофидагиларга муносабатда бўлишига кўникиб боради.

Умуминсоний кадриятлар асосида миллий тарбиянинг мазмуни ва ташкил этилиши қуйидаги вазифаларда ўз аксини топади;

1. Тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги.
2. Тарбиянинг инсонпарварлик қоидалари.
3. Тарбиянинг ҳаёт билан ва меҳнат билан боғлиқлиги.
4. Тарбияда миллий маданий ва умуминсоний кадриятларининг устуворлиги.

5. Ўқувчиларни ёши, синфи, психологик, физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

Муסיқа санъатининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, инсоннинг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини ўзига хос бадий тилда ифодалайди. Ўқувчиларни қизиқтирадиган, ўзига жалб этадиган, завқлантирадиган шароит яратади. Улардаги миллий тарбияга оид ҳис-туйғуларни ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Умумтаълим мактабларининг муסיқа маданияти дарсларида умуминсоний кадриятлар тарбияси куй-қўшиқлар ёрдамида шаклланади. ДТС муסיқа дастурига киритилган қўшиқ ва тинглаш учун асарларни мисол келтиришимиз мумкин. “Салом мактаб” Ш. Ёрматов муסיқаси, “Пахтаой” Ф. Назаров муסיқаси, ”Ўзбекистоним” Ш. Рамазонов муסיқаси, “Ой Ватаним” Э.Шварц муסיқаси, “Эх орзулар” Н.Норхўжаев муסיқаси каби қўшиқлар ўқувчиларда ватанга муҳаббат, миллий кадриятларга ҳурмат туйғуларини тарбиялайди. Умумтаълим мактабларида умуминсоний кадриятларни ўқувчиларга таништириб боришни аҳамияти катта. Бошланғич синфларда умуминсоний кадриятларни ўрганишда суҳбат, ҳикоя, савол-жавоб ва қўшимча адабиётлардан унумли фойдаланиш лозим. Умуминсоний кадриятлар асосида оммавий куй-қўшиқларни ўрганишдан олдин уларга асар хусусиятини бадий-ғоявий келиб чиқиш тарихи ҳақида қисқача суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Умуминсоний кадриятларни ўрганишда бошқа фанлар билан, масалан, адабиёт дарсларида ўтиладиган мавзулар билан боғлаб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчи синф ўқувчилари билан халқ муסיқа санъатининг асосий хусусиятлари, оммавий жанрлари, анъаналари ҳақида тушунча бериб, улар узоқ тарихга эга эканликларини содда, равон, ёрқин оҳангда ижро этилишини тушунтириш шунингдек уларни ижро этадиган ҳофизлар, хонандалар, фольклор гуруҳлар ҳақида савол-жавоблар ўтказиш керак. Миллий ва умуминсоний кадриятлар халқимизнинг миллий ифтихори ҳисобланади. Асрлар давомида меҳнат, кураш ва ижод жараёнида у кишиларни эзгуликка

етакловчи илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Муסיқа тилсиз фалсафа деб бежиз айтилмаган. Инсон кўшиқ билан, муסיқа билан тирик. Куй-кўшиқларсиз ҳаётнинг мазмунини, атрофдаги гўзалликни тасаввур этиш кийин. Кўшиқ завқ эҳтиёжи, энг гўзал, энг олийжаноб орзу ва ҳаётий ғоя ҳайқириғидир. Муסיқа маданияти дарсларида умуминсоний қадриятлар ўқувчиларни дунёқараши, муסיқий дидини ривожлантиради.

1. Умуминсоний қадриятлар ўқувчиларда миллий куй-кўшиқларга ихлос уйғотади. Уларни муסיқий қобилиятларини ритм тийғусини ўстириб, муסיқий ўқуви ва дидини ўстиради.

2. Ўқувчиларда миллий меросимизга, оммавий куй-кўшиқларга, халқ айтимларига ва у орқали Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди.

3. Алла, лапар, терма кўшиқлар воситасида ўқувчиларда бадий ижодкорлик қобилиятлари ўсиб боради.

Муסיқа оҳанглари лад ва ритм туйғуси усуллари асосида ўргатилади. Муסיқа таълимининг миллий асосини таркиб топтиришда пианино чолғу асбоб билан биргаликда ўзбек миллий чолғу асбобларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса доира чертиб, кўшиқ куйлаш, миллий рақс элементларини ижро этиш, ижодкорлик билан шуғулланиш ўқувчиларни сеҳрли муסיқа оламига ошуфта этади. Ўқувчилар бу жараёнда ўзбек халқ муסיқа маданиятини ижобий анъаналарини бевосита идрок этадилар. Мактабда ўқувчилар муסיқий эстетик тарбияни халқ муסיқаси намуналари орқали ўрганадилар. Ҳозирги кунда барча умумтаълим мактабларида болаларни халқ муסיқаси билан таништириш ДТС муסיқа дастури асосида олиб борилмоқда. Таълимни миллий руҳда ривожлантириш мақсадида биринчи синфдан бошлаб ўзбек халқ муסיқаси билан таништириб борилади. Бунга мисол қилиб, дастурда тинглаш учун биринчи “Дутор баёти”, “Андижон полкаси”, “Фарғонача”, “Олмача анор”, “Яллама ёрим” каби куй-кўшиқларни келтиришимиз мумкин. Халқ муסיқаси болалар онгига тез етиб боради, уларни завқлантиради. Ижодий кечинмалар уйғотади. Чунки халқ муסיқаси ўзига хос бадий тилга эгдир. Унда

миллий мусиқа санъатимизнинг энг ёрқин наъмуналари ўз аксини топган. Халқ мусиқаси энг сода энг ихчам равон ёрқин оҳангда ижро этилади. Шунинг ушун ҳам бешикда ётган гўдак алла қўшиғини эшитиши билан ором олиб ухлаб қолади. Чунки, бу оҳангда сўз, куй, мутаносиблиги оғзаки ижро этилади. Шунинг **учун** ҳам оҳанглар бир-бирига пайвастдир. Асрлар давомида ўзбек куй-қўшиқлари халқимиз орасида меҳнат, тўй-маросим, кураш байрамларида инсонлар учун илҳом манбаи бўлиб келган. Биз мусиқа маданияти дарсларида бошланғич синфдан бошлаб ўзбек халқ мусиқасининг оммавий жанрларини болаларга тушунарли, тез ва ифодали қилиб етказиш учун турли методлардан ва инновацион технологиялардан фойдаланишимиз зарур. Мусиқа санъати бошқа санъат турларига караганда инсонларга яқин бўлган муҳим санъат туридир. Халқимиз азал-азалдан бой мусиқа меросига эга бўлган. Бебаҳо қадриятларимиз, боқий меросимиз жаҳонни хайратга солган мумтоз мусиқа санъатимиз мавжуд. Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмунли ва йўналиши умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги асосида белгиланган. Ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан бақувват, миллий маъсулят туйғусини англайдиган ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказиш мамлакатни мустақил ва барқарор ривожланишига замин яратади. Миллий тарбия умуминсоний қадриятлардан ажралган ҳолда ривожлана олмайди.

Умумий ўрта таълим мактабларида ватанпарварлик тарбияси, мусиқа таълимининг асосини ташкил этади. Гарчи, мусиқа маданияти фани дастурида ўзбек халқ мусиқаси маълум тартибда берилган бўлсада, ҳар бир оҳанг мазмунида миллий мусиқа ватан ҳақида куй ва қўшиқлар тавсия этилади. Шундай экан биз мусиқа дарсларида Ватан ҳақида қўшиқларни халқ мусиқаларидан бошлаб ўргатишимиз лозим.



## **II-БОБ ШАШМАҚОМ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

### **§2.1. Шашмақом (Олти мақом) бебаҳо мусиқий меросимиз**

Шашмақом тожикча сўз бўлиб, олти мақом маъносини англатади. Шашмақом ижроси қадимдан бастакорлик анҳаналари натижасида дунёга келган ва халқ бастакорлари ижодининг маҳсулидир. Бастакор сўзи форсий атама асосида боғловчи деган маънони англатади. Барча мақом туркумлари ижроларининг шўъбаларини қайсидир бир бастакор яратган ва халқона бўлганлиги учун халқ мулкига айланиб кетган. Шунингдек, бунинг натижасида мақом йўллари бойиб бораверган. Ҳозирда ҳам бу анъана давом этмоқда. Шашмақом ўзбек мусиқий маданиятида беқиёс ўринга эга ва халқимиз мусиқий меросининг асосини ташкил этади. Унинг таркибида 250га яқин мушкулот (чолғу) ва наср (ашула) йўллари бўлиб, буларнинг барчаси аниқ лад ва услублар асосида бир-бирига боғлангандир. Шашмақом таркибида ўзига хос шаклдаги йирик туркумлар бўлиб, улар Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ деб номланади. Буларнинг ҳар бири 20тадан 45 тагача катта ва кичик ҳажмдаги мақом йўлларидан иборатдир. Шашмақомдаги ҳар бир туркум якка куй ва ашулалар тарзида созанда, хонанда ва дасталар томонидан ижро этилган ва ҳозир ҳам ижро этилади. Мақомларнинг ҳар бири икки бўлимдан иборат бўлиб, улар чолғу ва ашула бўлимларга ажралади. Юқорида айтганимиздек, мушкулот ва наср деб аталади.

Мақомларнинг мушкулот қисмида бир хил ном билан айтадиган чолғу қисмлари мавжуд бўлиб, оҳанглари турлича бўлади, лекин усули бир хил чалинади. Улар Тасниф, Таржи, Гардун, Муҳаммас, Сақил деб номланади. Мақомларда номдош бўлмаган чолғу қисмлар ҳам учрайди. Масалан, Навода - Нағмаи Ораз, Дугоҳда Пешрави Дугоҳ ва Самои Дугоҳ, Сегоҳда - Хафифи Сегоҳ ва ҳоказо. Ҳар бир чолғу қисм хона ва базгўйлардан ташкил топган. “Хона” - уй маъносини билдириб, куйнинг ўзгарувчан бўлагидир.

Бунда куй мазмуни янгича услубда авж томон ҳаракатланиб, бош пардага қайтиб тушади ва мазмунан бойиб боради.

“Бозгўй” - “қайтариқ” маъносини англатади, бунда куй хоналаридан сўнг такрорланади ва тугалланади. Яна ижроларнинг такомиллашувида “пешрав” куй қисмлари катта аҳамият касб этади. Пешрав - олдинга юрувчи маънони билдиради ва куйнинг турли баландликларида бир неча марта такрорланади ва бозгўйга уланиб кетади. Шашмақомнинг наср (ашула) бўлимининг шўхбалари ҳам бастакорлик ижодининг маҳсулидир. Бунда 200 дан ортиқ турли шаклдаги ашулалар мавжуд бўлиб, улар асосида ҳам бастакорлар томонидан юзлаб куй ва ашулалар яратилган. Шашмақомнинг ашула бўлимлари анчагина мураккаб шаклдаги шўхбалардан таркиб топган ва асосан, бир-биридан ажралиб турадиган икки хил шўхбалар гуруҳига бўлинади.

Биринчиси - Сарахбор, Талқин, Наср ва Уфар қисми. Иккинчисининг эса асосан, Савт - мўғулча шаклидаги шўъбалар киради. Ашула бўлими ижроларида намудлар катта ўрин тутади. “Намуд” - кўриниш, ўхшаш маъносини англатиб, маълум бир ашула қисмининг иккинчисида қайтарилиши тушунилади. Намудлар шашмақомнинг ашула бўлимида кўп учрайди. Булар Дугоҳ, Сегоҳ, Баёт, Наво, Уззол, Ушшоқ, Ораз, Насруллои, Муъайяри Чоргоҳ намудларидан иборат бўлиб, буларнинг аталишидан мақомнинг қайси шўъбасидан олинганини билиб олиш мумкин. Бир мақомдан олинган намуд иккинчи мақомда фойдаланилганда, шу мақом шўъбасининг куй ҳаракати, тузилиши ва доира усулларига мослаштирилади. Намудлар йирик шаклдаги халқ ашулаларида ҳам учрайди. Бундан ташқари, анъанавий кўшиқ ижросидаги асосий ишлатиладиган авжлар, яҳни Зебо пари авжи, Турк авжи сингари авжлар ҳам намудлар вазифасини бажаради ва ижрога жило беради.

Зебо пари авжи - Сегоҳ мақомидан ташқари барча мақомларда ишлатилади ва машҳур авж саналади. Бу авжни Исфаралик машҳур ҳофиз Зебо пари яратган бўлиб, мақом ва анъанавий қўшиқ ижросига янгилик сифатида кириб келган ва машҳур бўлиб кетган. Турк авжи деб номланувчи авж қадимий бўлиб, Бузрук ва Сегоҳ мақомлари шўъбаларида фойдаланилган. Бундан ташқари, анъанавий қўшиқ ижросида ҳам жуда зарурий авж сифатида ишлатилади. Мазкур намуд ва авжлар мақом шўъбаларида куй тузилмаларининг қонуний ривожланиши, куйнинг руҳи, кифофи лад асосининг парда тузилиши ва доира усулининг хусусиятларига мослаб олинади. Улар турли усулдаги ашулаларда ўзига хос оҳанг билан жилоланади. Юқорида айтганимиздек, Шашмақомнинг биринчи гуруҳ шўъбаларига Сарахбор, Талқин, Наср, уларнинг тароналари ва Уфар қисмлари киради. Ҳар бир мақом туркуми Сарахбор билан бошланади.

Сарахбор - тожикча “сар”, яъни бош, ахбор - арабча “хабар” маъносини беради ва бош ижро йўли мазмунини англатади. Олти мақомнинг ҳар бирида улар мақомлар номи билан қўшилиб, Сарахбор, Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ, ва Сарахбори Ироқ - деб номланади. Улар 11-14-15 бўғинли шеърий вазнда ижро этилади. Талқин - арабча “тушунтириш” маъносини англатиб, бу шўъба Ироқдан ташқари барча мақомларда учрайди ва Талқини Уззол, Талқини Ушшоқ, Талқини Баёт, Талқини Чоргоҳ, Талқини Сегоҳ деб юритилади. Талқиннинг тароналари эса, Сарахбордаги каби вазифани бажаради. Фойлатун-фойлатун-фойлатун-фойлун шеърий вазн билан ижро этилади.

Наср - сочма маъносини англатиб, улар Шашмақомда ўн тўртта ном билан аталади:

Бузрукда - Насруллои, Наср Уззол;

Ростда - Наср Ушшоқ, Наврўзи Сабо;

Навода - Насри Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво;

Дугоҳда - Насри Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Хусайний Дугоҳ;

Сегоҳда - Насри Сегоҳ, Наврӯзи Хоро, Наврӯзи Ажам;

Ироқда - Мухайяри Ироқ.

Улар мафойилун - мафойилун - мафойилун вазли шеърӣ туркумлар асосида ижро этилади.

Уфар - мақом ижроларининг яқунловчи қисми бўлиб, шўх дойра усулида ижро этилади. Ҳар бир мақомнинг шўьбалари ва уларнинг тароналари туркум тарзида ижро этилиб, уфар билан тамомланиб, охириги супориш билан яқунланади. Уфар ижроларида турли вазндаги шеърлардан фойдаланилади. Ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўьбалари Савт ва мўғулчалар усулида ижро этиладиган ашула йўллари дир. Иккинчи гуруҳ шўьбалари беш қисмдан иборат бўлиб, асосан ашула йўллари дан иборат дир. Бундан ташқари, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар шаҳобчалари ҳам мавжуд дир. Улар Рамал, Комил, Музореъ, Ражаз, Мутроқий вазнидаги шеърлар билан ижро этилади.

Иккинчи гуруҳ шўьбалари орасида Рок, Ироқи Бухоро, Мустаҳзоди Наво ўз тузилиши билан Савт мўғулча шўьбалари дан фарқ қилади ва уларнинг бош қисмлари Сараҳбор ва Талқин усуллари да ижро этилади. Биз қуйида Шашмақомнинг ҳар бир туркумининг номланиши, мазмуни, куй ва ашула йўллари тузилмалари ҳақида қисқача баён этишни лозим топдик ва шу асосда жадвалда кўрсатишга ҳаракат қилдик.

### **Бузрук мақоми**

Олтита мақомнинг биринчиси шу ном билан аталади. Бу мақом қадимдан машҳур бўлган. Қадимий мусиқий манбаларда Бузрук аниқ лад тузилмасини ва унга мос куй ва ашулаларни ифодалаган. Ҳозиргача эса

Шошмақом таркибидаги куй ва ашула йўллари билан ифодаланади. “Бузрук” - форсча сўз бўлиб, “катта, улуғ” маҳноларини билдиради ва маъносига қараб ҳам кўплаб куй ва ашула йўлларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам улуғ мақом деб номланади. Бузрук мақомининг чолғу бўлими Таснифи Бузрук, Таржеи Бузрук, Гардуни Бузрук, Муҳаммаси Бузрук, Муҳаммаси Насруллои, Сақилий Ислимий, Сақилий Султон чолғу ижроларидан иборат. Бу чолғу қисмлар куй тузилиши, оҳангдорлиги билан мукаммал асарлар сарасига киради. Бузрук мақомининг чолғу ва ашула йўлларининг бадий қиммати шундан иборатки, улар асосида бастакорлар томонидан жуда кўп куй ва ашулалар яратилган. Бузрукнинг чолғу қисмидаги куйлар бирин - кетин ижро этилгандан сўнг, шўъбаларга ўтилади. Бу шўъбалар Сарахбори Бузрук, Талқини Уззол, Насруллои, Насри Уззол, Уфори Уззол номлари остида тароналари билан туркум тарзда ижро этилади. Улар орасида Насруллои ва Насри Уззол Наср шўъбалари саналади. Уларнинг авжлари Ушшоқ, Уззол, Муъайяри, Чоргоҳ намудлари асосида бўлиб, Насруллоида эса турк авжидан фойдаланилган. Ҳеч қайси шўъбаларни камситмаган ҳолда Бузрук мақомининг асосий Наср шўъбаларидан бўлмиш Насруллои ҳақида бироз тўхталамиз.

Насрулло - шу номли куй ва ашулани яратган бастакорнинг тахаллусидир. Баъзи манбаларга қараганда, Хуросон ҳукмдори Султон Санжар замонида машҳур Насрулло ҳофиз ўтганлиги, подшоҳ Санжар ва Насрулло ҳофиз ҳақида ривоятлар ҳам мавжуд. Халқ орасида машҳур бўлган Насруллои шўъбаси 12 мақомда “Роҳавий” номи билан аталган. Насруллои ижролари Бузрукнинг бошқа шўъбаларидан фарқ қилади ва мусиқа ижодиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Унинг асосида туркум тарзида ижро этиладиган Насруллои номи билан машҳур бўлган 5 қисмли куйлар Фарғона Насруллови деб номланган ашула йўллари яратилган бўлиб, сўнгги йилларда машҳур ҳофиз ва бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев бу ижро йўлларини янги талқин этди. Насруллоининг 5 қисмли куйлар мажмуини кўҳна қадимий созлар билан тўлдирилган “Мерос” ансамбли

машҳур созанда Ғуломжон Хожиқулов раҳбарлигида муваффақиятли ижро этдилар.

Бузрук мақомидаги яна бир машҳур ижро иккинчи гуруҳ шўъбаларидан бири “Савти Сарвиноз” номи билан машҳур. Савти Сарвиноздаги куй ва ашулалар оҳангдорлиги билан ажралиб туради. Бу ашула оҳанглари асосида XIX асрнинг охирида Шахрисабзлик машҳур бастакор мақомдон ҳофиз Абдурахмонбек уч қисмли туркум яратди. Бу туркум ҳозиргача севиб ижро этилади. XX асрнинг бошларида Марғилонлик Мадали ҳофиз Абдурахмонбеги туркумини тўлдириб, уни еттита ашула йўлини яратди ва ўз даврида бу ижролар “Мадалибеги” номи билан машҳур бўлган ва 1912 йилда пластинкага ёздирилган. Бу ноёб пластинка ҳозирда Марғилон санъат музейида сақланади. Бузрук мақомининг 2 гуруҳдаги шўъбаларидан бири халқнинг сеvimли ижроларидан Ироқи Бухоро саналади. Бу ижро ўзининг жозибаси билан куй тузилиши, авжининг хилма - хиллиги билан ажралиб туради. Ироқ йўллари асосида Чўли Ироқ, Суворий сингари машҳур чолғу асарлари, Тошкент Ироқи каби ашулалар юзага келган ва севиб чалиниб, куйланиб келади. Умуман, Бузрук мақоми Шашмақом таркибида бош катта мақом вазифасини ўзининг мусиқий салобати билан тўлдириб туради.

### ***Бузрук мақомининг тузилиши чолғу бўлими***

1. Таснифи Бузрук
2. Таржеи Бузрук
3. Гардуни Бузрук
4. Муҳаммаси Насруллои
5. Сақили Ислимий
6. Сақили Султон

### ***Ашула бўлими***

#### ***Биринчи гуруҳ шўъбалари***

1. Сараҳбори Бузрук. Тарона 1,2,3,4,5
2. Талқини Уззол Тарона
3. Насруллои Тарона 1,2,3,4
4. Насри Уззол

## 5. Уфори Уззол. Супориш. Уфар

### *Иккинчи гуруҳ шўьбалари*

1. Мўғулчай Бузрук шаҳобчалари Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.
2. Савти Сарвиноз шаҳобчалари:Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар
3. Ироқи Бухоро шаҳобчалари:Талқинча, Чапандоз, Соқийнома, Уфар.
4. Рок шўьбалари:Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар

### Жами: 44 ижро.

#### **Рост мақоми**

“Рост” мақоми - қадимий мақомлардан бири бўлиб, 12 мақомнинг бири ҳисобланган. Рост мақоми борасида турли афсоналар ҳам мавжуд бўлиб, Одам ато ва Момо Ҳаводан қолган деб ҳам юритилади. “Рост” ибораси “мос келадиган, тўғри тушадиган” маҳноларини билдиради. Бу мақомнинг ладига кўп куй ва ашулалар мос келгани учун Рост деб номланган. Рост мақоми ҳам чолғу ва ашула бўлимларидан иборат бўлиб, мушкулот қисми Таснифи Рост, Гардуни Рост, Муҳаммаси Рост, Муҳаммаси Ушшоқ, Муҳаммас Панжигоҳ, Сақилий вазмин, Сақилий Рак-рак деб номланади. Ростнинг ашула йўллари биринчи ва иккинчи шўьбалардан таркиб топган бўлиб, биринчи гуруҳ Сарахбори Рост, Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Наврўзи Сабо шўьбалари ва Уфари Ушшоқ қисмидан иборат.

Рост мақомининг ашула бўлими бош мавзуи бўлган Сарахбори Рост ўзининг куй тузилиши жиҳатдан бетакрор ашула йўлларида бўлиб, жуда мураккаб қиёфага эга. Рост мақомининг иккинчи шўьбаси “Талқини Ушшоқ” деб номланади. Бу мақомда Ушшоқнома билан машҳур бир неча шўьба ва қисмлар мавжуд. Биринчи гуруҳ шўьбаларида Насри ушшоқ ва Уфори Ушшоқ ашула йўллари мавжуд. Уларнинг барчаси бир-бири билан ҳамоҳанг бўлиб, куй тузилиши ва таркибий қисмлари ҳам бир хилдир. Ушшоқ ибораси арабча “Ошиқлар” маъносини англатади. Ушшоқнинг чолғу ва ашула йўллари ишқий, лирик оҳанг касб этишини ўзи ушбу маънога монандлигини кўрсатади. Ўтмиш мусиқий манбаларида Наврўзи

Араб, Наврўзи Хоро, Наврўзи Баёт, Наврўзи Ажам, Наврўзи Сабо сингари наврўз байрамига нисбатан берилган шўъбалар мавжуд бўлганлиги айтилади. Баҳор манзараларини лирикасини тасвирлайдиган ушбу ижролар 12 мақомда роҳавий мақомини шўъбаси саналган. Шашмақомда эса Рост мақоми таркибига киритилган. Рост мақомининг биринчи гуруҳ шўъбалари жуда машҳур ашула йўллари саналади. Улар асосида Савт ижролари, уларнинг шохобчалари, Ушшоқнинг қатор вариантлари, Гулёри Шаҳноз ва унинг шохобчалари, сурнайда чалинадиган қатор мусика асарлари юзага келганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Рост мақомининг биринчи гуруҳ шўъбалари Сарахбори Ростдан бошланиб, унинг 4 та таронаси айтилади. Туркум эса Талқини Ушшоққа уланиб кетади. Таронасининг ижросидан сўнг Талқини Ушшоққа уланиб кетади. Сўнгра иккита таронаси, Наврўзи Сабо унинг талқинчасига ўтилади. Биринчи гуруҳ шўъбалари Уфори Ушшоқ ва охириги сипориши билан яқунланади. Рост мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбаларига Савти Ушшоқ, Савти калон, Савти Сабо киради ва Ростнинг биринчи гуруҳ шўъбалари асосида яратилган бўлиб, уларнинг вариантлари саналади. Булардан Савти Ушшоқ шўъбаси алоҳида мазмунга эга бўлиб, янгича сайқал билан жилоланади ва бой мазмундор ашула йўлларига эгадир.

Савти Ушшоқнинг куй оҳанглари асосида халқ бастакорлари жуда кўп куй ва ашулалар яратганлар. Халқимиз орасида машҳур бўлган “Гулузорим”, “Фарғонача тановар”, “Тонг отгунча”, Хоразм достонларида айтиладиган “Найлайин” ашуласи “Излайман” ва бошқа Фарғонача қўшиқ ва яллалар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, Мухтор Ашрафийнинг “Дилором” операсидаги Дилором арияси, Дони Зокировнинг “Кўрмадим” романи, Дадаали Соатқуловнинг Муқимий ғазалига ёзган “Навбаҳор” романи, Тўхтасин Жалилов ижодига мансуб бир неча ашула йўллари, Ғанижон Тошматовнинг “Истадим” қўшиғига ўхшаган машҳур ижролар Савти Ушшоқ ҳамоҳанглиги натижасида



яратилган бўлиб, муסיқий маданиятимизнинг дурдоналарига айланиб кетган. Рост мақомининг машҳур шўъбаларидан бири “Савти калон” саналади. “Калон” сўзи бастакор тахаллусидир. “Савти калон” беш қисмли ашула йўли бўлиб, унинг шахобчалари Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфодир. Улар асосида кўплаб куй ва ашулалар яратилган бўлиб, Қаландар I - II (раққосасидан) “Фарҳод ва Ширин” драмасидаги Ширин арияси шулар жумласидандир. Ушбу шўъбадаги Соқийномаи Савти калон ашуласи машҳур ижролардандир. Рост мақоми йўлларига мос куй ва ашулалар халқимиз муסיқий меросидан муносиб ўрин олган бўлиб, санъаткорларимиз томонидан севиб ижро этилиб келинади.

### ***Рост мақомининг тузилиши***

#### **Чолғу бўлими:**

1. Таснифи Рост
2. Гардуни Рост
3. Муҳаммаси Рост
4. Насри Ушшоқ. Тарона 1,2
5. Муҳаммаси Панжгоҳ
6. Сақили вазмин
7. Сақили рак-рак

#### **Ашула бўлими**

##### ***Биринчи гуруҳ шўъбалари:***

1. Сараҳбори Рост Тарона 1,2,3,4
2. Талқини Ушшоқ Тарона
3. Муҳаммаси Ушшоқ
4. Наврўзи Сабо. Талқинча
5. Уфори Ушшоқ Сипориш

##### ***Иккинчи гуруҳ шўъбалари:***

1. Савти Ушшоқ, Шаҳобчалари: Қашқарча, Соқийнома, Уфар
2. Савти Калон. Шаҳобчалари: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфор
3. Савти Сабо шахобчалари: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфор

#### **Жами: 35 ижро**

## Наво мақоми

“Наво” мақоми – “Шашмақом” таркибидаги учинчи мақом саналиб, унинг тарихи ҳам ўтмиш замонларга бориб тақалади. “Наво” атамаси арабча сўз бўлиб, ёқимли куй, оҳанг деган маънони англатади. Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам ўз таҳаллусини шу атамага монанд қўллаган бўлиб, “Наво чекувчи, куйловчи” маъноларини англатган. Ўтмиш мусика рисолаларида Наво мақоми Нағмаий Довудий, яъни Довуд пайғамбар куйи деб ҳам аталади. Ўн икки мақомда наво мақоми иккинчи чолғу ва ашула бўлимларидан иборат. Ашула бўлими, биринчи ва иккинчи гуруҳ шўъбаларидан таркиб топган. Наво мақоми саккизта чолғу қисмига эга бўлиб, Таснифи Наво, Таржеи Наво, Гардуни Наво, Нағмаи Орази Наво, Муҳаммаси Наво, Муҳаммаси Баёт, Муҳаммаси Хусайний, Сақили Наво деб номланади. Тасниф - мақомнинг бош куйи, Таржеъ - қайтарма оҳанглардан иборат куй, Гардун, Муҳаммас ва Сақил иборалари дойра усулларининг ифодасидир. Шунингдек, Нағмаи Орази Наво, Хусайний бастакорнинг таҳаллусларига нисбатан берилган атама саналади. Навонинг чолғу йўллари оҳангларга бой, тез таъсир этадиган, куйлардан тузилган. Навонинг чолғу қисмида усуллар ўзгарсада, бирин-кетин келгани учун бир-бирига боғлиқликни кузатиш мумкин. Наво мақоми асосида қатор чолғу куйлари, сурнай наво йўллари яратилган.

Наво мақомининг ашула бўлими биринчи гуруҳ шўъбалари Сараҳбор, Талқин, учта Наср ва битта Уфар қисмларидан таркиб топган. Биринчи гуруҳ шўъбалар - Сараҳбори Наво, Талқини Баёт, Наср шўъбалари - Наср Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво деб номланади ва ўзларининг тонларига эга. Уларнинг биринчиси Савти Наво, Наво оҳанглари таъсирида юзага келган. Чапандоз дойра усулида ижро этилгани учун “Чапандози наво” деб ҳам номланади. Устоз Юнус Ражабий “Савти” дойра усулини қўшиб, куй йўлининг барча ҳаракатларини сақлаб қолиб, ашула йўлини юзага келтирди. Натижада Савти Наво тўлдирилиб, унинг олти қисмли шакли

юзага келди. Савти Навонинг бош ашула йўли ижро этилгандан сўнг ижро этилади. “Чапандози Савти Наво” ва унинг Талқинчаси, Қашқарчаси, Савти Навонинг машҳурлиги шундаки, шу асосда барча ижроларда севиб айтиладиган “Авжи Турк” юзага келган. Наво мақомининг иккинчи гуруҳга кирган машҳур шўъбаларидан бири Мўғулчаи Наво деб номланади ҳамда Талқинча ва Қашқарча ашула йўллари мавжуд бўлиб, туркум сифатида ижро этилади. Наво мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан учинчиси Мустаҳзоди Наво деб номланади ва унда ҳам Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар қисмлари мавжуд. “Мустазод” шеър вазни ифодаси бўлиб, арабчада “орттирилган” маъносини англатади.

Мустаҳзоди Навонинг куй йўлида ҳам шеър шаклидаги каби орттирилган куй бўлаги мавжуд бўлиб, ҳар бир куй жумласи кетидан уни яқунлаб борувчи кичик бир куй бўлаги қўшилади. Мустаҳзоди Навонинг биринчи хати - даромад, иккинчи хати - миёнхат, учинчи ва тўртинчи хатлар Баёт намуди, бешинчи хати Наво намуди, охириги хати эса - туширим қисмлардан иборат. Мустаҳзоди Навонинг бош йўли ижро этилгандан сўнг унинг шаҳобчалари - Талқинчаси, Қашқарчаси, Соқийномаси, Уфори ўқилади. Умуман олганда Наво йирик мақомлардан бўлиб, унинг оҳанглари асосида жуда кўп куй ва ашула ҳамда сурнай йўллари яратилган. Бу асосда Фарғона, Тошкент, Тожикистон воҳаларида машҳур бўлган баёт ижролари ва туркумлари яратилганлиги ва севиб ижро этилганлиги яққол мисол бўла олади. Баёт йўллари шу қадар кенг тарқалганки, унинг асосида кўплаб вариантлар яратилган ва ҳозир ҳам изланишлар давом этмоқда. Бастакорлар бу асосда куй ва ашулалар яратмоқдалар. Шундан кўринадики, Наво мақоми асосида келгусида ҳам кўплаб мусиқий асарлар яратилади.

## Наво мақомининг тузилиши

### ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Наво
2. Таржеи Наво
3. Гардуни Наво
4. Нағмаи Орази Наво
5. Муҳаммаси Наво
6. Муҳаммаси Баёт
7. Муҳаммаси Хусайний
8. Сақили Наво

### АШУЛА БЎЛИМИ

#### *Биринчи гуруҳ шўъбалари:*

1. Сараҳбори Наво. Тарона 1,2
2. Талқини Баёт Тарона
3. Насри Баёт Тарона 1,2
- 4 Орази Наво Тарона 1,2,3
5. Хусайний Наво
6. Уфари Баёт. Супориш

#### *Иккинчи гуруҳ шўъбалари:*

1. Савти Наво шахобчалари: Чапандози Савти Наво, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.
2. Мўғилчаи Наво шахобчалари: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.
3. Мустаҳзоди Наво шахобчалари: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.

#### *Жами: 40 ижро*

#### **Дугоҳ мақоми**

Шашмақом таркибига кирган тўртинчи мақом - Дугоҳ мақомидир. Дугоҳ атамаси икки ўрин, икки жой маъносини билдиради. Ўн икки мақом мажмуасида Хусайний моқомининг шўъбаларидан биридир. Дугоҳ мақомининг Хусайний шўъбасини, яъни Дугоҳ Хусайнийни тинглаб кўрилса, куй бошланишидаги товушлар оралиғидаги даромаддан олдин келадиган икки пардани гувоҳи бўламиз. Яъни ашула тоникадан олдинги пардадан бошланади.

*Эй тан бас айла гамли қиш ўтса баҳор бўлур*

Шунга ўхшаш ижроларни дугоҳ мақомининг кўп шўьбаларида учратиш мумкин. Дугоҳ Шашмақом таркибида мустақил мақом бўлиб, бошқа мақомлар сингари чолғу ва ашула бўлимларидан иборатдир. Чолғу қисми ва шўьбалари туркум тарзида ижро этилади. Дугоҳнинг чолғу йўллари Таснифи Дугоҳ, Таржеи Дугоҳ, Гардуни Дугоҳ, Пешрави Дугоҳ, Самои Дугоҳ, Муҳаммаси Дугоҳ, Муҳаммаси Чоргоҳ, Муҳаммаси Ҳожи Хўжа, Муҳаммаси Чор Сархона, Сақили Ашқулло деб номланади. Дугоҳ мақомининг чолғу йўллари куй тузилиши жиҳатдан мукамал асарлар бўлиб, улар бадий бўёқларга бойдир. Чолғу бўлимидаги куйлар ижро этилгандан сўнг ашула йўли шўьбаларига ўтилади. Ашула бўлими биринчи гуруҳ шўьбалари тароналари билан яхлит ҳолда туркум тарзида ижро этилади. Булар асосий йўллар саналиб, Сарахбори Дугоҳ, Талқини Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Хусайний Дугоҳ шўьбаларидир ва Уфар Чоргоҳ қисмидир. Сарахбори Дугоҳ мақом шўьбаларининг асосий мазмунини ташкил этади ва Навоийнинг:

*Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гул узор,  
Гаҳи кўзимга хол тушибдур, гаҳи губор*

номли машҳур ғазали билан ижро этилади. Сарахбори Дугоҳ куй тузилиши жиҳатдан мураккаб бўлиб, бир неча куй қисмларидан таркиб топган. Унинг даромад ва миёнхат қисми чолғу муқаддима билан бошланиб, яна бош пардага қайтиб тушади. Учинчи хат Зебо пари авж, тўртинчи, олтинчи хатлар Чоргоҳ намуди, еттинчи хат туширим қисмларидан иборатдир.

Сарахбори Дугоҳ Фарғона - Тошкент ижрочилигида машҳур бўлган Чоргоҳ йўлига жуда яқинлик сезилади ва кейин олти таронасига уланиб кетади. Олтинчи таронаси супориш орқали Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Уфори Чоргоҳ ашула йўлларига уланади. Талқини Чоргоҳ куй билан бошланиб, Даромад, Миёнхат, Муъайяри Чоргоҳ

намуди ва туширим қисмлари мавжуд. Дугоҳ мақомининг Наср шўъбаларидан бири учта таронаси бир-бирига уланиб кетади. Охирги таронасида супориш айтилиб, Хусайний Дугоҳга уланиб кетади. Бу ижро ривожланиб, Фарғона-Тошкент машҳур ижро йўлларида Дугоҳ Хусайний туркумларига олиб келади. Сурнай Дугоҳи, ўйин Дугоҳи ҳам шу ижронинг давомийлигидир. Дугоҳ Хусайний олти қисмли ашула йўллари бирлаштирган. Улар бир-бирларидан Дугоҳ Хусайний I, II, III, IV, V, VI деб фарқланади.

Дугоҳ мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбалари Савти Чоргоҳ, Мўғулчаи Дугоҳ, Оромижон - деб номланган ашула йўллари ва улар асосида яратилган ашула намуналаридан иборат. Булар ичида мураккаброғи Савти Чоргоҳ бўлиб, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар шаҳобчалари туркум тарзида ижро этилади. Савти Чоргоҳнинг Қашқарча, Соқийнома йўллари бир-бирига ўхшаш бўлиб, Уфари эса Чоргоҳ ва Уфари Оромижон билан ҳамоҳангдир. Дугоҳ мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан бири “Сараҳбори оромижон” деб аталиб, биринчиси Сараҳбори Оромижон, Оромижон, Уфори Оромижон деб аталган уч қисмга бўлинади. С.О. Даромад, Миёнхат, Муъайяри Чоргоҳ намуди ва тушириш қисмларидан таркиб топган. Бобурнинг машҳур байти билан ижро этилади:

*Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Дугоҳ мақоми асосида жуда кўп ашула йўллари яратилган бўлиб, айниқса, Фарғона-Тошкент ижрочилигида Дугоҳи Хусайний, Чоргоҳ туркумлари жуда машҳурдир. Дугоҳи Хусайнийнинг шаҳобчалари олтига бўлиб, I-Сараҳбори усулда, II-Савти усулда, кейингиси Қашқарча усулда ижро этилади. Дугоҳ Хусайнийнинг сурнай йўллари ҳам машҳур бўлиб, Сурнай Дугоҳи, мушкулоти дугоҳ, Самойи Дугоҳ деб номланади. Яна бир машҳур туркум “Чоргоҳ” бўлиб, I, II, III, IV, V,

VI тартибида ижро этилади. Чоргоҳ I, куй тузилиши жихатдан Сарахбори Дугоҳнинг бир кўринишидир. Чоргоҳ II эса Савти Чоргоҳнинг ўзгача вариантыдир. Савти Чоргоҳ ва Чоргоҳ III нинг куй тузилиши бир хилдир. Чоргоҳнинг IV, V, VI шахобчалари куй мавзуи жихатдан бир-бирининг ритмик вариантыдир. Чоргоҳ йўллари асосида кўплаб чолғу йўллари, патнисаки ашулалар, сурнай йўллари яратилган бўлиб, улар халқимиз мусиқа меросининг ривожланишида жуда катта қийматга эга.

### ***Дугоҳ мақомининг тузилиши***

#### **Чолғу бўлими ашула бўлими**

1. Таснифи Дугоҳ
2. Пешрав
3. Таржеи Дугоҳ
4. Гардуни Дугоҳ
5. Самои Дугоҳ
6. Мухаммаси Дугоҳ
7. Мухаммаси Чоргоҳ
8. Мухаммаси Хожихўжа
9. Мухаммаси Чор Сархона Супориш
10. Сақили Ашкулло Уфар

#### **Биринчи гуруҳ шўьбалари**

1. Сарахбори Дугоҳ.  
Тарона. 1,2,3,4,5,6
2. Талқини Чоргоҳ. Тарона
3. Насри Чоргоҳ. Тарона
4. Орази Дугоҳ. Тарона 1,2,3
5. Хусайний Дугоҳ

#### ***Иккинчи гуруҳ шўьбалари:***

1. Савти Чоргоҳ шахобчалари: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар
2. Мўғулчаи Дугоҳ шахобчалари: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар, Қаландар (ашула йўли) Самандар (ашула йўли).
3. Сарахбори Оромижон. Оромижон. Уфари Оромижон.

#### **Дугоҳ мақоми асосида яратилган куй ва оҳанглар:**

Дугоҳ Хусайний I, II, III, IV, V, VI

Чоргоҳ I, II, III, IV, V, VI

**Жами: 55 ижро.**

#### **Сегоҳ мақоми**

Сегоҳ - ўн икки мақом тизимидаги мақомларнинг учинчи пардасидан бошланиб ижро этиладиган куй ва ашулаларнинг намунаси бўлиб, “уч ўрин” маъносини англатади. Ҳозирда Сегоҳ атамаси куй ва ашула

йўлларини бошланғич уч пардаси ижро жараёнида ишлатилади. Сегоҳ мақомининг чолғу ва ашула йўллари халқ орасида жуда кенг тарқалган. Сегоҳнинг патнисаки йўли ҳам мавжуд. Сегоҳнинг чолғу бўлимида Таснифи Сегоҳ, Таржеи Сегоҳ, Хафиф Сегоҳ, Гардуни Сегоҳ, Мухаммаси Сегоҳ, Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирзо Ҳаким, Сақили Баёт Нигор деб номланган қисмлар мавжуд. Сегоҳ мақоми туркум тарзида ижро этилса, Таснифи Сегоҳдан бошланади. Таснифи Сегоҳнинг куй мавзуи Сегоҳнинг бошқа чолғу қисмлари ва шўъбаларида тез-тез намоён бўлиб туради. Таржеи Сегоҳ хоналари Таснифи Бузрукдаги Пешравларни эслатади. Ҳафифи Сегоҳ чолғу йўли Таснифи Сегоҳнинг маълум вариантыдир. Дойра усуллари ҳам бир-биридан фарқ қилмайди.

Гардуни Сегоҳ куйи машҳур бўлиб, жуда ёқимли эшитилади. Сегоҳ мухаммасидаги хона ва бозғўйларнинг ҳар бири тўрттадан бўлиб, 16 тактдан иборат. Сегоҳнинг Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирзо Ҳаким, Сақил Баста Нигор чолғу қисмлари куй тузилиши жиҳатдан ранг-баранг оҳанглардан иборат. Сегоҳ мақомининг чолғу қисмлари ижросидан сўнг ашула қисмига ўтилади. Ашула қисмлари шўъбалари икки гуруҳдан иборат бўлиб, биринчи гуруҳга Сараҳбори Сегоҳ, Талқини Сегоҳ, Насри Сегоҳ, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам ва Уфари Сегоҳ қисмлари киради. Бу шўъбалар бир неча тароналари билан туркум тарзида ижро этилади. Бу шўъбалар орасида Сараҳбори Сегоҳда етти тарона, Талқини Сегоҳда, Насри Сегоҳ ва Наврўзи Ажамда биттадан тарона, Наврўзи Хорода учта тарона мавжуд. Бу шўъбалар орасида учта наср шўъбалар бўлиб, улар Насри Сегоҳ, Наврўзи Хоро ва Наврўзи Ажам номлари билан машҳурдир. “Хоро” сўзи арабчада тоғли жой, “Ажам” ибораси шарқ халқлари номланиши ифодасидир.

Ашула бўлими Сараҳбори Сегоҳ шўъбаси билан бошланади. Сўнгра унинг тароналари ўзига хос янграйди. Охири еттинчи таронаси супориш деб аталади. Сараҳбори Сегоҳга Талқини Сегоҳ шўъбаси уланиб кетади.



Талқини Сегоҳ бетакрор ашула йўли бўлиб, кўпроқ Хусайний Наво оҳангини эслатади. Насри Сегоҳ талқини Сегоҳ билан ҳамоҳангдир. Лекин янгича оҳанг ва мазмун касб этади ва авжида Наво ва Ораз намудлари учрайди. Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам, Наврўзи Сабо шўъбалари ўтмишда ўн икки мақом тизимидаги шўъбалар номи билан саналади. Наврўзи Ажам шўъбасининг куй тузилиши бўйича бошқа шўъбалардан фарқ филади. Унда Турк авжи орқали Уфари Сегоҳга уланиб кетади. Сегоҳ мақом йўллари асосида жуда кўп халқ куйлари ва ашула йўллари яратилган бўлиб, якка созларда, халқ чолғу дасталари, ашулачилар ансамбллари томонидан севиб ижро этилади.

Сегоҳ оҳанглари замирида авж ҳам яратилган бўлиб, Сегоҳ намуди деб юритилади. Сегоҳнинг иккинчи гуруҳ шўъбалари Мўғулчаи Сегоҳ ва сеғоҳ оҳанглари асосида яратилган куй ва ашулалардан иборат. Мўғулчаи Сегоҳ ўз шаҳобчалари билан бошқа мақомлардаги мўғулчалардан фарқ қилади. Унинг таркибида Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар йўлларида ташқари чапандоз дойра усуллари ижро этиладиган нимчўпоний дейилган шаҳобчаси ҳам бор. Мўғулчаи Сегоҳнинг Талқинчаи Мўғулчаи Сегоҳ, Нимчўпоний, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарлари унинг куй тузилмалари негизида юзага келган. Мўғулчаи Сегоҳ талқинчаси кетидан уланиб айтиладиган шаҳобчаси “Каримқулбеги” деб номланади. Мўғулчаи Сегоҳнинг иккинчи шаҳобчаси Нимчўпоний ҳам халқ орасида Каримқулбеги деб аталади. У Сегоҳнинг бош пардасидан бошланади. Авжида Сегоҳ намуди ва турк авжидан фойдаланилган. Каримқулбеги XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган машҳур хонанда ва бастакордир. Мўғулчаи Сегоҳнинг охириги шаҳобчаси Уфар қисмидир. Уфари Мўғулчаи Сегоҳ ўзига хос нодир ашула йўлларида бўлиб, шўхчан янграйди. Сегоҳнинг чолғу ва ашула бўлими жуда ёқимли куй ва ашулалардан иборат бўлиб, улар асосида жуда кўп куй ва ашулалар яратилган. Улардан бири халқ орасида машҳур бўлган “Гиря I-II” ашулаларидир. “Гиря I”

Чапандоз усулида ижро этилиб, мухаммас шаклидаги шеърлар билан айтилувчи кичик ҳажмли ашуладир. Унинг авжида намудлар тушиб қолдирилган.

*Қўшилсин бу мухаммас базм ичра савти гулёра  
Қўйинг йўл бермангиз улфатлар ичра бўлса азёра.*

Гиря иккинчининг куй тузилиши биринчидан фарқ қилади ва жадалроқ сурҳатда ижро этилади. “Фигон”, “Сувора”, “Тулузорим” каби ажойиб ашула йўллари ҳам Сегоҳ садоларига асосланган. Сегоҳ йўллари заминда жуда кўп чолғу йўллари, махсус сурнайда чалинадиган куйлар ҳам яратилган эди. Мушкулоти Сегоҳ ва унинг Уфари, Патнисаки Сегоҳ, Сайқал, Наврўзи Ажам ва унинг тароналари, Уфари Ажам шу кунгача севиб ижро этилади. Сегоҳ йўллари Хоразмда ҳам кенг тарқалган бўлиб, “Норим-Норим” куйи, “Феруз” ашуласи, “Эшвой” кўшиғи ўзининг оҳанглари жиҳатдан Сегоҳ йўлларининг ўзгача кўринишидир. Сегоҳ мақомининг чолғу ва ашула қисмлари ва улар асосида юзага келган намуналар ўзининг бадий - эстетик қиммати билан мусиқа меросимизда сезиларли ўрин эгаллайди.

### **Сегоҳ мақомининг тузилиши Чолғу бўлими ашула бўлими**

1. Таснифи Сегоҳ	<b><i>Биринчи гуруҳ шўъбалари:</i></b>
2. Таржеи Сегоҳ	1. Сарахбори Сегоҳ
3. Хафифи Сегоҳ	Тарона 1,2,3,4,5,6,7
4. Гардуни Сегоҳ	2. Талқини Сегоҳ. Тарона
5. Мухаммаси Сегоҳ	3. Насри Сегоҳ. Тарона
6. Мухаммаси Ажам	4. Наврўзи Хоро. Тарона 1,2,3
7. Мухаммаси Мирзо Хақим	5. Наврўзи Ажам. Тарона
8. Сақили Баста Нигор	

### ***Иккинчи гуруҳ шўьбалари:***

1. Мўғулчаи Сегоҳ шаҳобчалари: Талқинчаи Мўғулчаи Сегоҳ Каримқулибеги. Қашқарча, Соқийнома, Уфар
2. Сегоҳ мақоми асосида яратилган куй ва оҳанглар: Мушкулоти Сегоҳ ва Уфар, Патнисаки Сегоҳ, Сайқал, Наврўзи Ажам ва тароналари, Уфари Ажам, Гиря I, II.

### ***Ироқ мақоми***

Ироқ мақоми қадимги мақомлардан бўлиб, у ҳақда маълумотлар минг йилдан буён манбаларда қайд этилади. Бу даврларда лад қурилмалари куй ва ашула бўлимлари бир неча бор ўзгариши табиий бўлиб, “Шошмақом” таркибида эса асрлар оша такомиллашуви натижасида ўзига хос ўринга эга бўлган мақомдир. “Ироқ” ибораси Шарқда машҳур бўлган араб мамлакати ва унга нисбатан берилган мақом номидир. Мақомлар қадимдан машҳур мамлакатлар, шаҳарлар, яратилган бетакрор бастакорлар номлари билан номланиб келган. “Ироқ” мақоми шарқ халқлари мусиқасида муҳим ўрин тутди ва турли халқларда бир-бирига ўхшамаган ўзига хос оҳанглар асосида юзага келган. Шашмақомдаги Ироқ мақоми эса ўзбек ва тожик халқлари мусиқасининг лад-тоналлиги, вазн ва усуллари, куй тузилиши хусусиятлари орқали чамбарчас боғлиқдир. Унинг таянч пардалари I, IV, V, VI-босқичлардир. Ироқ мақоми ҳам чолғу ва ашула бўлимидан таркиб топган бўлиб, унинг чолғу бўлимида Таснифи Ироқ, Таржеи Ироқ, Мухаммаси Ироқ, Сақили Ироқ 1, 2, Сақили Калон дейилган куй йўллари мавжуддир. Таснифи Ироқ ушбу мақомнинг бош куй мавзуи бўлиб, анча кенг. Саккизта хона ва бозгўйдан иборат. Ироқ мақомининг Тасниф, Таржеъ, Мухаммас ва Сақил йўллари яхлит ҳолда бирин-кетин ижро этилгандан кейин, унинг ашула бўлими шўьбаларига ўтилади. Улар Сараҳбори Ироқ, Муъайяри Ироқ, Чамбари Ироқ ва Уфари Ироқ деб номланади.

“Ироқ”да иккинчи гуруҳ шўьбалари учрамайди. “Ироқ” мақоми

шўъбаларининг куй тузилиши ва ижро этиш услуби мураккаб бўлгани учун кўпчилик хонандалар ижро эта олмаганлар. Лекин профессор Фитратнинг ёзишича, машҳур Бухоролик мақомдон ҳофиз Ота Жалол Муъайяри Ироқ асосида беш қисмли Савт шўъбасини яратган ва “Савти Жалолий” деб номланган. Унинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар шахобчалари бўлган. Ироқнинг ашула йўллари туркум Сарахбори Ироқ билан белгиланади. Бу ашула йўлининг куй тузилиши жуда мураккаб бўлиб, у кичик октаванинг “ля” пардасидан бошланиб, икки ярим октавагача, яъни учинчи октаванинг “ре” пардасигача кўтарилади. Бу ижрони камдан - кам ҳофизлар бажаришган бўлиб, кўпроқ хотин-қиз овозлар бўлган мақом ансамблларда авжларини тўлдирганлар.

Сарахбори Ироқ чолғу муқаддимасидан сўнг икки байтдан иборат ашула жумлалари билан бошланади. Учинчи хати ўрта парда, яъни Миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлар Зебо пари авжи, олтинчи ва еттинчи хатлар - Мухайяри Чоргоҳ намуди, охириги хат тушуриш қисмларидан иборат. Сарахбори ироқ халқимиз орасида ироқ номи билан машҳур ҳамма куй ашулаларнинг асоси бўлиб хизмат этган. Сарахбори ироқ ўқилгандан сўнг унинг олтита таронаси бирин-кетин ижро этилади. Қолган тўртта таронаси эса Наср дойра усулида ижро этилади. Сарахбори Ироқ тароналари билан биргаликда ижро этилгандан сўнг Мухайяри Ироқ шўъбасига ўтилади. Мухайяри Ироқ наср шўъбаси бўлиб, Мухайяри Чоргоҳ намудининг турли баландликларда такрор ижро этиладиган вариантдир. Мухайяр - “танлаб олинган” деган маънони билдиради. Мухайяри Ироқ Дугоҳ мақоми ладига мос бўлиб, Чоргоҳ шўъбаси билан ҳамоҳанг куйланади. Шунинг учун унинг асосида яратилган намуд “Мухайяри Чоргоҳ” деб аталиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мухайяри ироқ мунгли, дардли, таъсирчан янграйди.

Мухайяри Ироқ ижросидан сўнг унинг тўртта таронаси ва сипориши ўқилади. Биринчи таронаси Фарғона ва Тошкентда машҳур бўлган

“Чоргоҳ-2”нинг ўзидир. Лекин авжида мухайяри Чоргоҳ намуди киритилган. Иккинчи тарона ҳам Чоргоҳ йўллари эслатади. Учинчи ва тўртинчи тароналари куй тузилиши бошқача бўлиб, бастакор оҳанглардан иборат. Супориш эса Сарахбори Ироқ куй жумлаларидан иборат. Ироқ мақомининг яна бир шўъбаси Чамбари Ироқ деб номланиб, биргина ашула йўлидан иборат. Чамбари Ироқ Фарғона ва Тошкентда машхур бўлган “Сувора”ни эслатсада, талқинча дойра усулида ижро этилади. Чамбари Ироқ чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг биринчи хати - Даромад, иккинчи ва учинчи хатлар - ўрта пардаларда ижро этиладиган Миёнхат, тўртинчи хати Зебо пари авжи, бешинчи, еттинчи хатлар Миёнхатнинг янгиланиши, охириги хати эса туширим қисмларидан иборат. Ироқ мақомининг Уфари мухайяри Ироқ билан оҳангдош бўлиб, унинг Уфар дойра усулидаги кўринишидир.

Умуман олганда, Ироқ мақоми туркум бошқа мақомларга нисбатан анчагина ихчам, унинг таркибида Сарахбор ва биттагина Наср шўъбаси ҳисобланган. Мухайяри Ироқ мавжуд бўлиб, унда “Талқин” ёки “Чапандоз”, иккинчи гуруҳга кирадиган “Савт” ва “Мўғулча” шўъбалари ҳам йўқ. Лекин Ироқ йўллари асосида жуда кўп куй ва ашула йўллари яратилган бўлиб, мисол учун Чўли Ироқ, Уфари Мушкулоти Ироқ, Тошкент Ироқи, Бозургоний, Сурнай Ироғи ва қатор ижроларни кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, Ироқнинг чолғу йўллари ижро этилиб, унинг Сарахбори ва Наср шўъбалари тароналари билан ўқилгандан сўнг Уфар қисми ва супориш билан туркум тугалланади.

**Ироқ мақомининг тузилиши**  
**Чолғу бўлими ашула бўлими:**

1. Таснифи Ироқ
2. Таржеи Ироқ
3. Мухаммаси Ироқ
4. Сақили Ироқ 1,2
5. Сақили Калон Уфар, Супориш

***Биринчи гуруҳ шўъбалари:***

1. Сараҳбори Ироқ. Тарона 1,2,3,4,5,6
2. Мухайяри Ироқ Тарона 1,2,3,4

***Иккинчи гуруҳ шўъбалари:***

1. Чамбари Ироқ, Уфар, Супориш
2. “Савти Жалолий” шўъбаси: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар
3. Ироқ мақоми асосида яратилган куй ва оҳанглар: Чўли Ироқ, Уфари Мушкулоти Ироқ, Тошкент Ироқи, Бозургоний, Сурнай Ироқи.

**Жами: 31 ижро**

Умумий Шашмақом ижроси баъзи тахминлар асосида 250 ижро деб олинди.

**§2.2. Хоразм мақомлари. Фарғона-тошкент мақом йўллари ҳамда ўзбек халқининг дostonчилик санъати**

Хоразм мақомлари асосларига келсак, бу масалага икки томонлама ёндошиш зарурияти туғилади. Чунки Хоразм мақомлари юзасидан турлича карашлар, баҳсталаб фикрлар мавжуд бўлиб, барчасига маълум даражада ёндошиш, қайси томоннинг фикри ҳақиқатга яқинроқ эканлигини идрок этиш зарур бўлади. Бу санъат мухлисларининг фикрига боғлиқ.

**Биринчидан**, Хоразм мақомларининг яралиши ва ижро услублари ҳақидаги баҳсларга кулоқ тутмоқ зарур бўлади. Баъзи маълумотларга қараганда, хоразмлик созанда ва бастакор Ниёзжон Хўжа XIX аср бошларида Бухорога бориб “Шашмақом”ни ўрганиб, Хоразмда уни тарғиб қилгани, Хоразм мақомлари “Шашмақом”нинг ўзгинаси эканлиги айтиб ўтилади.

**Иккинчи** бир манбаларда Хоразм мақомларининг айрим қисмларидаги парчалар тузилиш жиҳатидан ва характер жиҳатидан бир - биридан фарқ қилиниши айтилади. Қандай бўлмасин, Хоразм мақомлари Муҳаммад Раҳимхон Соний - Феруз даврида машҳур шоир ва

мусиқашунос Комил Хоразмий ва ўғли Муҳаммад Расул Мирзо ҳамда шогирдлари томонидан Хоразм олти ярим мақоми “Танбур чизиги”га ноталаштирилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. Хоннинг ўзи ҳам етук шоир, созанда, бастакор, ҳофиз бўлганлиги, қадимий мақом куйлари асосида “Наво”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ”ларга боғлаб куйлар яратгани, у яратган Феруз I, II, III ижролари халқ ичида машҳур бўлиб кетганлиги айтиб ўтилади. Ҳатто Хоразм мақомларини халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилиб, мақомларни камситган ёки бузиб ижро этганларни қаттиқ жазолаш ҳақида фармони олий чиқарганлиги аниқ манбалар асосида кўрсатилади. Хоразм мақомларини ноталаштиришга қатор мусиқашунос олимлар қўл уришган. Мулла Бекжон билан машҳур мусиқашунос Матюсуф Девон 1925 йилда Москвада чоп этилган “Хоразм мусиқий тарихчаси” асарида Хоразм мақомларининг тузилиши, шакллари, ижро йўллари ҳақида маълумотлар беришган ва айрим нота кўринишлари билан тўлдиришган. Хоразм мақомлари билан таниқли мусиқашунос Е.Е. Романовская ҳам шуғулланган бўлиб, шундай ёзади: “Сўнгги хонлар даврида (XIX аср) Хивада ижро этиб келинган мақомлар ҳам 1934 йилда Ўзбекистон санҳатшунослик илмий текшириш институти экспедицияси ёзиб олган мақомлар аслида Бухоро мақомларидир. Бу мақомларни бундан тахминан 130 йил бурун Ниёзхўжа деган созанда, машшоқ Бухородан Хивага олиб келган”

Бу ҳақда қандай фикрлар айтилмасин, барибир, Хоразм мақомлари ижросида алоҳида услуб ва шаклларга эга бўлган, усул ва ритми жиҳатидан “Шашмақом”дан фарқ қиладиган алоҳида ижро мактабини кузатамиз. Ўз даврида Хоразм ижрочилик мактабининг буюк намоёндалари етишиб чиқдилар. Муҳаммад Ёқуб девон, Бобо буломон, Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Қуржи ота, Полли дўзчи, Муҳаммад Расул Мирзо, Худойберган Мухркан, Муҳаммад Юсуф Девон-Чокар, Матпано Худойберганов, Мадраҳим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов сингари улуғ санъаткорлар шулар жумласидандир.

Хоразм мақомларини Матпано ота, Мадрахим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа устозлардан ўрганиб нотага олган, уни аввал бир жилд, кейин 1980 йилда уч жилдлик этиб чоп қилдирган, яна бир улкан бастакор Матниёз Юсуповдир (1925-1992). Хоразм мақом санъатини вилоятда янада ривожлантириш тўғрисида, “Танбур чизиги”да битилган Феруз замонасидаги чизигига кўчириш билан келгуси авлодга тўлалигича етказиш борасида Хоразм ҳокимлигининг 1995 йил 29 сентябр 203- сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга биноан, таниқли созандалар Аҳмад Машарипов, Озод Иброҳимов, Озод Бобоназаровлардан иборат 3 кишилик гуруҳ тузилди ва бу ишлар муваффақият билан амалга оширилди. Хоразм мақомлари қуйидаги тартибда келади: **Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ, Панжгоҳ**. Хоразм мақомларининг бевосита тузилиши ва ижровий хусусиятларига келсак, аввалда Шашмақом йўлларининг айтим бўлимидаги шўьбалар сақлаб қолинган. Лекин кейинчалик Хоразм ижрочилик мактабининг тез ривожланиши натижасида ашула йўлларида жуда кўп ўзгарувчанликни кузатамиз. Баъзи шўьбаларнинг номланишида ҳам ижро хусусиятларида ҳам ўзгарувчанлик мавжуд. Масалан, тарона қисмлари “Рост” мақомида, “Сувора”, “Нақш”, “Фарёд”; “Бузрук”да эса “Сайри гулшан”, “Наво”да – “Сувора”, “Фарёд”, “Нақш”; “Дугоҳ”да – “Сувора”; “Сегоҳ”да – “Нақш” ва “Муқаддима” деб номланади. Айтим бўлимларининг бош шўьбаси бўлган Сараҳборлар Хоразмда мақомлар номи билан - Мақоми Рост, Мақоми Бузрук, Мақоми Наво, Мақоми Сегоҳ, Мақоми Дугоҳ деб номланади. Шундай ҳолат - чертим бўлимларида ҳам кузатилади.

Хоразм мақомларидаги айтим ва чертим бўлимларининг бошланиш қисмидаги бир хиллик бунга сабабдир. Хоразм мақомларида Сараҳборларнинг баҳзи тароналари терма ҳолда, авж қўшилиб, йирик шаклдаги ашулага айлантирилган. “Сараҳбори Рост”да учта тарона мавжуд бўлиб, “Тарона”, “Сувора”, “Нақш” деб номланади. Сараҳборлар тароналари билан айтилганидан сўнг, талқин шўьбаларига ўтилади. Улар



Талқини Рост, Талқини Бузрук, Талқини Наво, Талқини Сегоҳ деб номланади. Хоразм мақомларида ўн бешта наср йўллари мавжуд бўлиб, “Хоразм мақомлари” китобида саккизта наср шўъбалари берилади. Улар “Рост” мақомида “Наврўзи сабо”, “Бузрук”да Насруллои, Навода - Фарёд ва Орази Наво, Дугоҳда Чоргоҳ ва Баёт, Сегоҳда - Сабо, Наврўзи Хоро, Насри Ажам деб номланади.

Хоразмда кенг тарқалган айтим ижроларидан бири Сувора йўллари дир. Сувора ибораси тожикча отлик, чавандоз маъноларини билдиради. Суворалар шакл жиҳатдан мақом шўъбалари каби йирикдир ва усуллари Соқийнома ёки Уфар дойра усулларида бўлади. Ҳозирда Сувора йўлларининг турли намуналари кенг тарқалган. Биринчи асосий Катта Сувора “Она Сувора” дейилади ёки “Ўзбек Сувораси” дейилади. Баъзида “Тожик Сувораси” деб аталади. Асосий суворалар қуйидагилардан иборат:

1. Она Сувора (катта Сувора).
2. Чапандози Сувора.
3. Якпарда Сувора.
4. Кажҳанг Сувора.
5. Қўшпарда Сувора.
6. Беш парда Сувора.
7. Калта Сувора.

Савти Суворалар: Савти Сувора I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV ва ҳоказоларга бўлинади. Мақомдон устоз Хожихон Болтаев савти сувораларни қатор вариантларини яратган. “Уфори савти сувора” I,II ҳамда “Гул уфор савти сувора” йўллари шулар жумласидандир.

Хоразм мақомларининг бирин-кетин жойлашиши ва таркибий қисмида фарқлар мавжуд бўлиб, бунга эътиборни қаратиш зарур бўлади. Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Танбур чизиғи”да мақомлар қуйидаги тартибда жойлашган: Дугоҳ, Рост, Наво, Ироқ, Сегоҳ, Бузрук ва ўз - ўзидан кўринадики, “Шашмақом”да жойлашган, яъни Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ тартибида келмайди. И.Акбаров таҳрири остида чоп этилган

“Хоразм мақомлари”да эса Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ тартибида келади. Матниёз Юсуповнинг 1980 йиллардаги чоп этилган 5 жилдлик “Хоразм мақомлари”да ҳам Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ ва Панжгоҳ қўшилган тартибда келади.

Хулоса қилиб айтганда, Шашмақом Хоразм ижрочилик мактаби замирида ўзига хос ўзгариш ва ривожланиш жараёнини касб этди. Чертим йўллари, усуллари ихчамлаштирилди, бастакорлар томонидан қўшимча намуналар киритилди. Хоразм мақомлари ижрочилик нуктаи-назаридан ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Асрлар давомида устоздан шогирдга, авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган Хоразм мақомлари даврлар ўтган сари ўзининг сержило, серқирра кўринишлари билан намоён бўлмоқда. Хоразм мақомат санҳати ижрочилиги мусиқий маданиятимизнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳамиша ардоқланади.

### **Фарғона-тошкент мақом ижрочилиги йўллари**

Миллий мусиқий ижрочилигимиз уч асосий йўналишда, яъни Хоразм-Бухоро - Фарғона ижрочилик мактаблари замирида ривожланганлиги барчамизга маълум. Ҳар бир воҳа халқининг этник жойланиши, урф-одатлари, маҳаллий менталитети, яшаш турмуш тарзи замирида ўзига хос мусиқий ижрочилик услублари ҳам мавжуддир. Ўн икки мақом асосида Шошмақом яратилганлиги, Шашмақом замирида бастакорларимиз томонидан бир-биридан гўзал чолғу ва ашула йўллари яратилганлиги аниқ манбалар асосида бизгача етиб келган. Фарғона-Тошкент мақом йўллари ана шундай машҳур ижроларнинг маҳсулидир.

“Дугоҳ Хусайний”, “Шахнози Гулёр”, “Баёт”, “Чоргоҳ” ижролари туркум сифатида машҳур бўлганлиги сабабли “Чормақом” (тўрт мақом) деб ҳам юритилади. Фарғона, Тошкент, Самарқанд воҳаларида, Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ва бошқа шаҳарларда Шашмақом асосида турли шакллардаги чолғу ва ашула йўллари яратилганлиги маълум. Шулар

жумласидан машхур чолғу асарлар: беш қисмли Насруллои, Муножот туркуми, Чўли Ирок, Навонинг бир неча чолғу намуналари, Наврўзи Ажам, Ажам ва унинг тароналари, Илғор, Мискин ва Адойининг беш қисмли туркуми, икки қисмли Мирзадавлат, Мадалибек, Бексултон, Чўли Курд, Сайқал, Сувора йўлари, Мушкулоти Дугоҳ ва унинг Уфари, Дутор Баёти, Ўйин Дугоҳи, Рост Панжгоҳ Қашқарчаси, Дилҳирож, Мушкулоти Сегоҳ ва унинг Уфари, патнисаки услубда чалинадиган Дугоҳ, Сегоҳ ва Ушшоқ намуналари Қари Наво, Сурнай йўлларида Бузрук, Наво, Ирок, Дугоҳ, Дугоҳи Хусайний, Насруллои, Чоргоҳ, Мустаҳзод, Дашти Наво каби ўнлаб куйлар маҳаллий бастакорлар томонидан мақомлар асосида яратилган бўлиб, мусиқий маданиятимизнинг бебаҳо дурдоналари саналади.

Юқоридаги санаб ўтилган чолғу йўллари туркумли ва якка-якка ижро этиладиган куйлардан иборатдир. Фарғона-Тошкент мақомларининг ашула вариантлари ҳам туркум ва якка тарзда ижро этиладиган ашулалар бўлиб, жуда катта кўриниш ҳосил қилади. Туркум сифатида келадиган машхур ижролар куйидагилардир:

“Баёт” I, II, (II), III (III), IV, V.

“Чоргоҳ” I, II, III (III), IV, V, VI.

“Дугоҳ Хусайний” I,II,(II), III (тарона), IV (IV), V, VI, VII.

“Шахнози Гулёр” I, II, III, IV, V.

(Қавс ичида кўрсатилганлари кўшимча вариант ижроларидир).

Ушбу туркум ижроларга қисқача шарҳ бериб ўтамиз. Баёт I-Наво мақомининг Баёт шўъбалари асосида яратилган ва шу шўъбада учрайдиган авжлар ва намудлар маълум даражада сақланиб қолган. Баёт II-Наво мақомидаги Насри Баётнинг II-III тароналари куй тузилиши ва ҳаракати шакли билан бир хиллик кузатилади. Баёт III, IV, V куй тузилиши, шакли жиҳатдан олдинги қисмлардан кескин фарқ қилади. Улар Баёт I, II

ижроларининг даромад бошланиш пардасидан беш парда, яъни Квинта юқорига кўтариб ижро этилади. Лекин ижро тугашида яна даромад пардага қайтилади. Шу билан Баёт туркумининг тўлиқ ижроси аниқ бошланиш ва тугалланиш пардасига эга бўлади. Яна бир машҳур ижро туркуми бўлган Чоргоҳ эса Дугоҳ мақомидаги Сараҳбори Дугоҳ, Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Савти Чоргоҳ шўҳбалар асосида яратилган. Чоргоҳ I да Сараҳбори Дугоҳнинг доира усули, ашула ижроси, шеҳр ўлчови ва тушириш қисмлари Савти Чоргоҳ шаҳобчаларининг маълум кўринишидир. Чоргоҳ III нинг ашула ижро йўли Савти Чоргоҳга ҳамоҳангдир. Чоргоҳнинг IV, V, VI шаҳобчалари ҳар хил доира усули билан ижро этиладиган бир хил кўринишлардир.

Фарғона - Тошкент мақом йўлларида бири Дугоҳ Хусайний туркуми, Шашмақомдаги Хусайний Дугоҳ асосида яратилган бўлиб, кейинги шўҳбалардан ва тароналаридан фойдаланилган. Дугоҳ Хусайнийнинг I-қисми Сараҳбор, иккинчи қисми Савти, кейингилари Қашқарча усулларида ижро этилади ва Уфар, Супориш билан тугалланади. Дугоҳ Хусайнийнинг ҳамма шаҳобчалари халқ орасида кенг тарқалган. Фарғона-Тошкент ижрочилик йўлларида “Шахнози-Гулёр” ашулалар туркуми ҳам жуда машҳурдир. “Шахнози Гулёр” Рост мақоми ашула йўллари асосида яратилган бўлиб, биринчиси Гулёр, иккинчиси Шахноз, учинчиси Чапандози Гулёр, тўртинчиси Ушшоқ, бешинчиси Қашқарчаи Ушшоқ номлари билан машҳурдир. Биринчи Гулёр Сараҳбор усулида, Шахноз - тарона усулда, учинчиси - Чапандоз, тўртинчиси - Сараҳбор, бешинчиси – Қашқарча доира усулларида ижро этилади. “Шахнози Гулёр” ўз тузилиши жиҳатдан Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳи Хусайний туркумларидан тубдан фарқ қилади. Фарғона - Тошкент мақом йўлларида яна бир машҳур ижролардан бири Рост мақоми шўҳбалари асосида яратилган Ушшоқ туркумларидир. Ушшоқнинг беш хил йўли бўлиб, ҳар бири алоҳида яқка ашула сифатида ижро этилади. Уларнинг куй тузилиши, оҳанги бир хил бўлсада, шаклан сал бир-биридан фарқи билан ажралиб туради. Ушшоқ ижроларида Уззол шўҳбасининг оҳанглари

даромадда, намудлари авжларда ишлатилган. Ушшоқ ижроларининг биринчиси қолганларидан беш парда ёки квинта кўтарилиб ижро этилиши билан фарқланади. Сўнги қатордан даромадга тушилади ва даромад пардадан кейинги Ушшоқлар бошланади. Убайдий ғазали билан айтиладиган Ушшоқ Фарғона водийси ва Тошкентда машҳур бўлган. Фарғона-Тошкент ижрочилигида қуйидаги туркум ижролар ҳам машҳурдир: бузрук мақоми шўхбалари билан ҳамоҳанг Абдурахмонбеги I - II ва унинг Уфари, марғилонлик Мадали ҳофиз томонидан 7 та ижрогача тўлдирилган бўлиб, Фарғона водийсида “Мадалибеги” деб ҳам юритилган.

Абдурахмонбеги I,II, III,IV,V,VI, VII ижролари аксарияти ўша даврда замондош бўлган Муқимий ғазаллари билан айтилади. Рост мақомининг “Савти Калон” шўъбаси шахобчалари асосида яратилган Қаландар I-II ашуласи ҳам тўлдирилиб, Қаландар I,II,III,IV,V тарзида ижро этилади. Яна бир эл севган машҳур ижролардан “Тановар” туркумидир. Ҳозирда Тановарнинг 13 та ижрочилик йўллари мавжуд бўлиб, 9 та ашула - ялла йўли, 4 та мусиқий йўли билан жилоланади. Булардан тўртинчиси дутор тановари деб юритилади. Халқ бастакорлари Фарғона - Тошкент ижрочилик йўлларига монанд юзлаб ашулалар ва мусиқалар яратганлар. Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов, Комилжон Жабборов, Дони Зокиров, Мухторжон Муртазоев, Жўрахон Султонов, Орифхон хотамов сингари бастакорлар ижодлари бунга мисол бўла олади. Натижада мақом йўллари асосида юзлаб ашулалар ва мусиқалар халқ мулкига айланди. Кейинчалик бастакор Имомжон Икромов Навоийнинг “қаро кўзим” радифли ғазалини жуда моҳирлик билан шу йўлга солиб, яна ҳам машҳур ижрога айлантирди. Бу ижро Тошкент Ушшоқи деб ҳам юритилади.

Ушшоқ I дан келиб чиқадиган Даромади Ушшоқ, Хожи Абдулазиз томонидан қайта ишланган Самарқанд Ушшоқи, ижрода бир хиллик касб этади. Ушшоқнинг яна бир намунаси хўжандлик ҳофиз ва бастакор Содирхон Бобошарипов томонидан жилоланган ва “Содирхон Ушшоқи” номи билан

машхур бўлган варианты ҳам “Ушшоқ I” нинг шаклига ҳамоҳангдир. Ушшоқ ижролари орасида Қўқон Ушшоқи садоланиш шакли, авжлардаги ўзгаришлар жиҳатидан бошқа Ушшоқ йўлларида сезиларли фарқ қилади. Ўзига хос оҳанглар тузилмасига эгадир. Шуниси диққатга сазоворки, Ушшоқларнинг барча ижролари Шашмақомдаги Ушшоқ шўъбалари оҳангларига асосланган бўлсада, уларнинг ҳар бири ўзига хос куй тузилишига эга, таҳсирчанлик хусусиятлари ҳам ҳар хилдир.

Фарғона-Тошкент ижрочилигида ўзига хос ижро мактабига эга бўлган катта ашула ижросидир. Катта ашула машхур ижро йўли бўлиб, Фарғона водийсида, қисман Тошкентда ижро этилади. Катта ашула икки, уч, баъзан тўрт ҳофиз томонидан айтилади. Патнисаки катта ашула деб ҳам юртилади. Ашула сўзлари ижро йўналишига қараб бўлиб олинади ва маълум жойларда бирга куйланади ва бирга тамомланади. “Раббано додимга ет”, “Айлансин қулинг”, “Бир келсун”, “Шафоат”, “Адашганман”, “Эй дилбари жононим”, “Ёввойи Чоргоҳ” сингари патнисаки ашулалар жуда машхурдир. Кейинчалик “Боғ аро”, “Кириб бўстонни кездим”, “Канолим”, “Ўзбекистоним” каби катта ашулалар ҳам шу қаторга қўшилади. Ҳамроқул қори Тўрақулов, Холқора ҳофиз, Эрка қори Каримов, Ҳайдарали Ҳикматов, Шерқўзи Бойқўзиев, Болтабой Ражабов, Мамадбобо Сатторов, Жўрахон Султонов сингари машхур ҳофизлар катта ашула бобида донг таратганлар.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек мусиқий санҳатида Фарғона-Тошкент ижрочилик мактаби алоҳида ўрин тутди. Бу мактабнинг мусиқий ва ашула ижрочилиги аниқ услубга, дойра усулига, мусиқий тузилмасига эгадир. Бу анҳана давом этмоқда ва ҳозирда ҳам халқ бастакорлари ижодларининг самараси билан Фарғона-Тошкент ижрочилик йўллари бойиб бормоқда. Ушбу ижрони амалга оширадиган созанда ва ҳофизлар ҳам етишиб чиқмоқда.

## Ўзбек халқининг достончилик санъати

Ўзбек халқининг достончилик санъати ҳақида сўз борганда Сурхондарё-Қашқадарё, Самарқанд-Бухоро, Хоразм достончилик мусиқий услублари ҳақида сўз юритиш жоиз бўлади. Сурхондарё-Қашқадарё достонлари адабий-мусиқий асар сифатида талқин қилинади. Улар насрий ва назмий қисмларга бўлиниб, ўзаро бир-бирига боғлангандир. Достон ижрочиларини бахши, шоир, юзбоши деб атайдилар. Достонлар асосан дўмбира чолғу жўрлигида бўғиқ овозда куйланади. Бўғиқ овозни ҳосил қилиш ва ишлатиш алоҳида машқлар натижасида амалга оширилади. Ушбу малакани оширишда устоз-шогирд анҳаналарига риоя қилинади. Натижада шогирдлар ушбу воҳаларда машҳур бўлган “Алпомиш”, “Авазхон”, “Тўрўғли”, “Кунтуғмиш” достонларини ёд оладилар ва кўриқдан ўтадилар. Бахшилар достонларнинг насрий қисмларини кўшиқ шаклида куйлайдилар.

Сурхондарё-Қашқадарё достончилик санъатида Шаҳрисабз ва Шеробод мактаблари асосий марказ саналади. Абдулла Нурали ўғли ва Ислон Назар ўғли каби бахши шоирлар Шаҳрисабз достончилик мактабининг йирик намояндалари бўлса, Шерназар Бекназар ўғли, Мардонқул Авлиёқул ўғли, Умар Сафар ўғли, Нормурод бахшилар эса Шеробод достончилик мактабининг машҳур ижрочилари ҳисобланадилар. Достонларни ижро этиш ҳам асосан мавсумий бўлиб, кеч кузда деҳқонлар ҳосилларини йиғиштириб бўлганларидан сўнг бошланиб, эрта баҳоргача давом этади. Достончи бахшилар хонадонларда уюштирилган достончилик кечаларига таклиф қилинадилар ва маҳалла, қўни-қўшни йиғилишиб, достонлар тинглашади. Бу азалдан одат тусини олган бўлиб, бахшиларни оилавий байрамларга, тўй-томошаларга, ҳосил байрамларига ҳам таклиф этганлар. Яҳни достончи бахши ўз достонларини қисқача айтим йўли билан таҳрифлаб беради ва эшитувчиларнинг хоҳишига кўра бир достонни бошлайди. Достончи бахшилар достон ижроларидан ташқари бағишлов ижроларига ҳам жуда уста бўлиб, бирон яхши кунга, маросимга, машҳур одамларнинг исмларига

монанд бағишловларни насрий ва шеҳрий йўлларда ҳам ижро этадилар. Бу ижро бахшилардан ўта зукколикни талаб қилади. Ҳозирги давр достончилик ижрочилиги Шоберди бахши Болтаев мактаби етакчилик қилмоқда. Сурхондарё-Қашқадарё мусиқасида достончилик санҳатидан ташқари кенг оммалашган меҳнат кўшиқлари алоҳида аҳамият касб этади. Қўш, ўрим, ёрғинчоқ кўшиқлари деҳқончилик билан боғланса, “хўш – хўш”, “Чурей”, “Турей-турей” кўшиқлари чорвачилик билан боғлиқдир. Чарх, ўрмак, кашта, бўзчи кўшиқлари эса ҳунармандлар меҳнати кўшиқлари саналади.

Бухоро-Самарқанд мусиқа услубига доир достончилик мактаблари асосан вилоят туманларида қарор топган бўлиб, улар, “Булунқур достончилик мактаби”, “Нарпай достончилик мактаби” каби аталади. Шулардан Булунғур ва Қўрғон достончилик мактаблари машҳурроқдир. Булунғур достончилик мактабида “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Рустамхон”, “Гўр-ўғлини туғилиши” каби қахрамонлик достонлари етакчи ўрин тутди. Жўровоз соз сифатида домбра сози қўшилади. Амин бахши, Чинни Шоир, Тавбузар шоир, Қурбонбек шоир, Йўлдошбубул, Йўлдошшоир, Қўлдаш Суяр каби бахшилар бу мактабнинг ўтмишидаги (XIX аср) йирик намояндаларидир. Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) бу мактабнинг сўнги йирик вакилларида бири эди. Қўрғон достончилик мактабида “Алпомиш” достони ижро этилган бўлса-да, бироқ унда ишқий-романтик достонларга жумладан, “Гумор пари”, “Қундуз” билан “Юлдуз”, “Ойсулув”, “Кунтуғмиш” сингари достонларга эҳтибор берилади. Қўрғон достончилик мактабининг ўтмишидаги йирик вакиллари қатори Ёдгор, Ларас, Мулла-Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул каби бахшиларни айтиш керак. Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) ва Пўлкан шоирлар (1874-1941) бу мактабнинг сўнги йирик намояндалари эди. Хоразм достончилик мактаби ўз анъаналарига эга бўлиб, бошқа маҳаллий достончилик мактаблардан фарқли жиҳатларга эга. Бу фарқлар асосан қуйдагилардан иборат.



А) Хоразм достонлари “Бўғиқ овозда” эмас, балки “Очиқ овоз” услубида куйлаш хусусиятлари билан оҳангланади.

Б) Кўпинча маҳаллий достончилик мактабларида дўмбра сози жўрнавон сийратида қўлланилса, Хоразм достончилигида дутор, тор сўзларидан фойдаланилади. Шунингдек, достон айтишда ижрочилик ансамбли қатнашади. Бунда устоз бахши дутор, тор ёки рубобда, қолганлар эса ғижжак, бўламон ва баҳзан доира созларида жўр бўлиб туришади.

В) Хоразм достонлари репертуарини “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Бозиргон”, “Ошиқ Ойдин” каби достонлар ташкил этади. Бироқ, Хоразм достончилигида қаҳрамонлик достонига мансуб “Алпомиш” намунаси учрамайди. Хоразм достончилигининг йирик вакиллари Аҳмад бахши, Бола бахши, Рўзимбек Муродов, Қаландар бахшилар номини айтиш жоиздир. Ўтмишда достон айтувчиларни гўянда, улар ижро қиладиган йўлларини нома деб юритилган. Эргаш Жуманбулбулнинг куйидаги шеҳрида эса Нурота мактаби услубига оид достонлар номалари санаб ўтилади:

*Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,*

*Йигирма хил нома дўмбра чертиб*

*Хоҳ катта, хоҳ кичик эшитса,*

*Ҳар қандай одамни балқитиб, эритиб*

Шеробод мактабининг машҳур бахшиси Умар шоир Сафар ўғли ижодига мансуб шеҳрда эса Сурхондарё-Қашқадарё достончилигидаги номалар сони келтирилади.

*Эй дўмбирам кажакдор,*

*Ўттиз икки номанг бор,*

*Ҳаммаси ҳам мафтункор,*

*Бирин чалсам бири бор..*

деб, 32 нома борлиги таърифланади. Кейинчалик 60 га етказилган. Ушбу маълумотлардан кўринадикки, дoston қўшиқлари қадимдан номалар деб юритилган. Хоразм номалари йирик ҳажм, куй йўналиши, парда, лад ва авжлари ўзига хос ёрқин услуби билан ажралиб туради. Махсус тил иродаси, мусиқий нуқтаи назардан Хоразмда иккита йирик дostonчилик услуби мавжуд. Улар бахшиларнинг иборалари билан Ширвоний ва Эроний ёки Жанубий ёки Шимолий хоразм услублари деб юритилади. Ширвоний услуб ўз ичига Ҳазарасп, Боғот, Янгиарик, Қўшқўпир, Урганч, Хонқа, Шовот, Тошховуз вилоятининг Илонли, Кўҳна Урганч, Қорақолпоғистоннинг Тўрткўл, Эллиққалҳа туманларини қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Хива шаҳри деб белгилаш мумкин. Мазкур услуб номалари 72 та бўлиб, улар дoston шеҳрларининг вазни, бўғинларига ижрочи бахшини овоз имкониятларига қараб ўқилади.

Эроний услуб Гурлан туманининг бир қисмини Қорақолпоғистоннинг Амударё, Хўжайли Тошховуз вилоятининг шимолий туманларини ўз ичига қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Манғит шаҳри деб белгилаш мумкин. Устоз бахшиларнинг фикрича мусиқий моҳиятга кўра ширвоний услуб 72, эроний услуб 32, Сурхондарё, Қашқадарё воҳаларининг Шеробод мактаби 64 номадан иборат. Хулоса қилиб айтганда дoston ижрочилиги ўзбек мусиқа санъатининг ажралмас бўлагидир.

## ХУЛОСА

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабалари даражасида ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий кадриятлардан кенг фойдаланиш, миллий мафқурани ёшларда шкллантириш, маънавий - маърифий соҳасидаги ишларни такомиллаштириш, узлуксиз таълим муаммоларини ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Миллий истиқлол шарофати билан, маънавий ҳаётимизда ёш авлодни ахлоқий эстетик тарбиясида ўзгача эътибор берилиб, янгича ёндошишни тақозо этиб бормоқда. Ўсиб улғйиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда мусиқа алоҳида ўрин тутди. Болаларни гўзаллик руҳида тарбиялашда мусиқа тарбияси ҳақида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг куй, кўшиқ илҳомбахш, шифобахш ҳамда ҳаётбахш этувчи ажойиб куш деб таъкидласа, Абу Наср ал-Фаробий куй-кўшиқ кишининг руҳий мувозанатини сақлайди дебт аърифлаб беришган.

Ёшларни ахлоқий тарбиялашда, уларни тўғри йўлга бошлаш, санъатга меҳр қўйиш, миллий кадриятларимизни эъзозлаш, Ватанни севиш ва унинг равнақи учун хизмат қилиш ҳар томонлама етук, баркамол, юксак маънавиятли кишилар қилиб тарбиялашда воқал санъатининг тутган ўрни жуда муҳим. Ёш авлодни маънавиятли ва маданиятли инсон қилиб тарбиялаш мавзуси илмий инсонлар, бўлажак алломаларимиз, олиму-фузалоларимизнинг диққат марказида қадим-қадимдан ўрин олиб келган.

Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган энциклопедик (қомусий) алломаларимиз ал-Фаробий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, А.Навоий ва уларнинг давомчилари Замахшарий, Авлоний, Зиё Саид ва бошқалар ижодида ҳам ахлоқий маданият муомаласи етакчи ўрин эгаллаб келган. Тариқат илмининг, хусусан Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда Хадисларни ва муаллифлари ат-Термизий, ал-Бухорий

боболаримиз, пиру-комил устозларимиз Хўжа Ахрор Вали, Нақшбандий, Гиждувоний, Урмавий, Занги ота, Пахлавон Махмуд ва кўплаб олимлар бизнинг ватандошларимиз эканлиги ва улар тариқат илми ва маданиятининг асосчиларидан эканлиги билан фахрланиш лозим. Уларнинг номи ёшлар тарбиясида намуна ва ўрнак, фахр ва ифтихор манбааи бўлиб келмоқда. Улар бизнинг наслу-насабимизнинг нақадар буюк эканлигидан ва ёшларни айнан шу боболар анъанасига содиқ, уларнинг қутлуғ номларига муносиб фарзанд бўлиш руҳиятида, шу юксак маданиятни сақлаб қолиш ва унинг муносиб давомчилари қилиб етиштириш ўқитувчининг муқаддас бурчидир.

Муסיқа маданияти дарсларида кўшиқлар воситасида ўқувчиларда вокал кўникмаларини шакллантириш йўллари тадбиқ қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Муסיқа маданияти дарсларида вокал малакалари бўйича олиб бориладиган ишларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда жаҳон ва ўзбек вокал санъати тарихий манбааларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.
2. Жаҳон вокал асарларини грамёзув ва грампластикалар орқали эшиттириш, келгусида иқтидорли ўқувчиларни олий ўқув юртларида жаҳон талаблари даражасида билим олишларига ва вокал асарларини мукамал ўрганишларига кенг имкон беради.
3. Вокал асарларини мукамал ўрганишда нота саводхонлигини билиш ва унингимкониятларидан фойдаланиш, уларни кўшиқчилик санъатини пухта ўзлаштиришларида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.
4. Ўқувчиларда вокал кўникмаларини шакллантиришда овоз қўйиш машқларини мукамал эгаллаш, уларда куйлаш малакалари самарадорлигини оширишда асосий вазифа ҳисобланади.

“Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни тарбиялашимиз керак”

Битирув малакавий ишимизда мусиқа маданияти дарсларида кўшиқнинг даромад қисми устида ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини йўлга қўйиш, ишчи материаллар асосида ва қандай қилиб амалга оширилиши кўрсатиб берилган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11

2.Ш.М.Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент “Ўзбекистон” – 2017й.

3.Ш.М.Мирзиёев Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016й.

4.Ш.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016 й.

5.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1-илова: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет ресурс: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

6. И.Акбаров . “Муסיқа луғати”

7. Апрақсина О. “Методика музыкального воспитания в школе” М. 1983

8. Д.Омонуллаев. “Умумий таълим мактабларида муסיқа дастурлари”Т.,1992

9. Гудкова Е.А., Васильева А.Б. “Ашула дарс методикаси”

10. “Ўзбек муסיқа тарихи” Тошкент - “Муסיқа” 1979 йил.

11. Акбаров И. “Муסיқа луғати” Тошкент - Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат нашриёти” 1989.
12. Қодиров Р. “Муסיқа педагогикаси” Тошкент 2012 йил.
13. Сами Азиз ўғли, Нуриддин Азизов. “Муסיқанинг элементар назарияси” Қарши – “Насаф” нашриёти 2005 йил.
14. Суннатова Н. Н. “Солфеджио ўқитиш услубияти” Тошкент 2004 йил.
15. Способин И. В. “Муסיқа шакли” Тошкент – “Ўқитувчи” нашриёти 1982 йил.
16. Бахромов В. А. “Муסיқанинг элементар назарияси” Тошкент - “Ўқитувчи” нашриёти 1965 йил.
17. М.Ахмедов. Юнус Ражабий. Ғ. Ғулом нашриёти 1980 й.
18. И.Акбаров. Тўхтасин Жалилов. Ғ. Ғулом нашриёти 1978 й.
19. Ф.Зоҳидов. Комилжон Отаниёзов. Ғ. Ғулом нашриёти 1980 й.
20. Б.Насриддинов. Тўйчи Ҳофиз. Ғ.Ғулом нашриёти 1971 й.
21. Э.Қориниёзова. М. Қори Ёқубов. Ғ.Ғулом нашриёти 1968 й.
22. Хоразм мақомлари. III -жилд. Тошкент 1986й.
23. Хоразм мақомлари I-жилд. Тошкент. 1982й.
24. К.Азимов. Ўзбекистон дирижёрлари. Тошкент 2001 й.
25. Р.Турсунов. Халқ муסיқа ижодиёти ва адабиёти Тошкент 2003 й.

#### **интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)
3. [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)



## ИЛОВА



1923 йил. Ўзбек миллий ансамбли Москва шаҳрида.



Тўхтасин Жалилов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов,  
Абдуқодир Исмоилов. Лондонда. 1935 йил.





**Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов (ўртада) шогирдлари  
даврасида. 1928 йил. Самарқанд.**



**Гавҳар Раҳимова, Муҳитдин қори Ёқубов ва Тамарахоним.  
1930 йил.**





**Юсуфжон кизик Шакаржонов (ўртада), Махмиржон Узоқов (ўнгда),  
Жўрахон Султонов (чапда). 1955 йил.**



**Юнус Ражабий (юқорида, ўртада) республика радиоси мақомчилар  
ансамбли даврасида. 1961 йил.**

Ушбу мақомлар замирида бастакорлар томонидан юзлаб ашула ва куйлар яратилган бўлиб, Хоразм ижрочилик мактабининг, қолаверса ўзбек мусиқий маданиятининг ўлмас асарларига айланиб қолган.